O'zbekiston MK

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

33 (517) ● 2018 йил 21 август, сешанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Давлат дастури доирасида

"ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ": ҚУЙИЧИРЧИҚДА ҚАНДАЙ ИЖРО ЭТИЛЯПТИ?

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Ёшлар — келажагимиз" Давлат дастури мамлакатимизда ёшлар сиёсатига доир олиб борилаётган кенг кўламли ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Айни пайтда республикамизнинг барча ҳудудида мазкур дастур ижросини таъминлаш борасидаги ишлар жадал давом эттирилмоқда. Ушбу жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ҳам фаол иштирок этиб, амалий ишларга кўмакдош бўлаётир.



2-бет

Партия лойиҳаси

"ХИЗМАТ — БЕМИННАТ": 91 ЙИГИТ-ҚИЗ ТАЛАБА БЎЛДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Ёшлар қаноти"нинг "Хизмат — беминнат" лойиҳаси уюшмаган ёшларнинг ижтимоий жиҳатдан шаклланиши, интеллектуал, ижодий, жисмоний салоҳияти камол топишига кўмаклашиш ва шарт-шароитлар яратишга хизмат қилмоқда. Партия ташкилотлари ҳудудларда мазкур лойиҳа асосида турли йўналишларда бепул ўқув курслари ташкил этиб, кўплаб уюшмаган ёшлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига бепул таълим бериш ва касбга йўналтиришни йўлга қўйди.

Ташкил этилганига атиги бир йилдан ошганига қарамай, "Хизмат — беминнат" лойиҳаси кўплаб ёшлар тақдирида ўчмас из қолдирди. Лойиҳа доирасидаги ўқув курсларида таҳсил олган аксарият ёшлар бу йил 1-15 август кунлари мамлакатимизда турли олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларини топшириб, ўз билимларини синовдан ўтказдилар. Қувончлиси, улардан 91 нафари талаба бўлди. Бу йигит-қизларга беминнат таълим бераётган устозлар эса шогирдлари ва ўқувчилари эришган ютуқлардан мамнун.

— Партиянинг "Хизмат — беминнат" лойиҳаси ЎзМТДП дастурий вазифалари ҳамда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ёшларга оид белгиланган вазифаларни амалга ошириш, шунингдек, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги ва "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонунлар ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилмоқда, — дейди ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони ёшлар ишлари бўлими бошлиғи Ҳамдам Ниёзов. — Мазкур ўқув курсларига асосан уюшмаган ёшлар, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари жалб этилди. Ёшларнинг қўшимча билим олиши, соғлом турмуш тарзига интилишини шакллантириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш натижасида иштирокчиларнинг аксарияти бугун талаба деган номга сазовор бўлди. Умумий миқёсда айтадиган бўлсак, ҳудудларда ташкил этилган мазкур лойиҳа асосидаги ўқув курсларида таҳсил олган 91 ўғил-қиз олий ўқув юрти синовларидан муваффақиятли ўтди. Эътиборга молик жиҳати уларнинг 46 нафари давлат гранти асосида талабаликка қабул қилинган.

ЎзМТДП лойиҳаси натижасини ўз ҳаётида кўрган бир гуруҳ ёшлар ва партия вакилларининг "Хизмат — беминнат" лойиҳаси борасидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

2-бет

Бугуннинг гапи

БИЗ АНДИШАЛИ ХАЛҚМИЗ(МИ?)

Шиддат билан оқаётган сувда минераллар ҳам, лойқалар ҳам, қуйқалар ҳам — барчаси аралашиб кетади...

Югураётган одам(лар) кўп нарсани ўйлаб олиши учун бир зум тўхатиши ҳам керак...

Илдизидан узилмаган дарахт кўкка бўй чўзади...

Албатта, бу уч фикр — уч мавзу. Шарҳланса ё изоҳланса, сўз оқими уч томонга кетиб қолиши тайин. Бироқ уларнинг барчасининг мазмун-моҳиятида бугун сиз ва биз яшаётган шиддатли даврнинг тўс-тўполон ҳақиқатлари мужассам. Айниқса, ошкоралик руҳи ва шиддати жамиятимизни тобора кенгроқ қамраб олаётган ҳозирги кунда ўзимизга ҳам яқиндан, ҳам узоқдан, ҳам ўртадан қараб, имкониятларни чамалаб, ҳолатларни қиёслаб, ана борингки, барчасини қайтадан баҳолаб олиш имконияти берилган бир пайтда булар жуда муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, бугунги куннинг шукуҳи, шарофатини, мазмун-моҳиятини кечаги кун билан таққослаганда тўлақонли англаш мумкин...

Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди.

Бугун, гоҳида сезяпмиз ёки сезмаяпмиз, янги тарих даврига — тараққиётнинг янги босқичига қадам қўймоқдамиз. Шу ўтган қисқа икки йилда кўп нарса ўзгарди. Одамлар ўзгаряпти, жамият ўзгаряпти. Ҳар куни бир янгиланишдан баъзан эсанкираб ҳам қоласан. Бироқ улар орасида — ҳар қандай даврда ва шароитда ҳам ўзгармайдиган қойим қоидалар борки, айримлар шуларни ҳам ўзгартиришга уринаётгани хавотирлидир.

Узоққа бормайлик: йилдиримдай шиддатли ҳозирги даврда халқимиз қадриятлар тизимининг катта илдизларидан бири — андиша қадрияти унутилаётгани, балки қайта баҳоланаётгани халқимиз маънавий олами учун ғоят хатарлидир. Ҳар кун сайтларда, ижтимоий тармоқларда трендга чиқадиган-тушадиган ҳолатлар бунга далил. Уларнинг ҳар бири бир оғриқ, бир азоб, бир мусибат, бир ғорат...

Мевани пўсти сақласа, инсонни инсон қиладиган куч — унинг маънавиятида. Таассуфки, бугун пичоқни олдин ўзига урадиганлар камайиб кетмоқда, сўзларда ҳусн, кўзларда уят қолмаётгани ундан ҳам ёмон.

Инсон табиатан янгиликка интилади. Дунёда нима кўп — гап кўп, воқеа-ҳодиса кўп.

Тўғриси, ҳар кун эрталаб ишга келарканман, компьютерни ёқиб, сайтларни кезишдан аввал юрагим қаттиқроқ урадиган бўлиб қолди.

Кўнгилда эса минг бир ҳадик:

— яна кимдир синглиси, ота-онаси ё бошқа қариндошини пичоқлаб қўймадимикан;

— тағин бирор эр-хотин бир-бирини видеога олиб, дунёга шарманда қилмадимикан;

— рўзғор тегирмони остида эзилган яна бирор муштипар аёл ўзи ва фарзандлари жонига қасд қилмадимикан...

5-бет

Мустақиллик — менинг тақдиримда...

ВАТАННИ СЕВИШ ҲАМ БИР ИМТИҲОНДИР



Мустақиллик тенгдошлари бу йил 27 баҳорни кўрди. Уларнинг кўпи олий маълумот олган, касб-ҳунарнинг бошини тутган, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, бир неча чет тилларини мукаммал билади. Улар эсини таниганда мамлакатимизда барча соҳа тартибга тушган, бозорлар ва дастурхонларда бўш жой камайган, одамлар чеҳрасида ҳаётдан розилик ифодаси кўрина бошлаганди.

Бироқ улардан каттароқ авлод бу кунлар ўз-ўзича пайдо бўлиб қолмаганини ўз кўзи билан кўриб, шу машаққатлар ичида улғайди. Балки шу боис шукр улар тилида энг кўп айтиладиган сўзлардан бирига айланди. Зотан, Ватанни севиш, ҳаётни англаш ҳам бир имтиҳондир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори асосида мамлакатимиз бўйлаб байрам тадбирларига кенг тадорик кўрилмоқда. Улуғ айём муносабати билан таҳририятда "Мустақиллик — менинг тақдиримда..." номли давра суҳбати ташкил этилиб, унда адабиёт, санъат, спорт, фан, таълим, маданият соҳасида кўплаб ютуққа эришган ҳамюртларимиз истиқлол берган имкониятлар, ундан оқилона фойдаланиш хусусида ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар.

5-бет

Мансабдор шахс — хисобдор

ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН

МУТАСАДДИЛАР ҲИСОБОТИ ЭШИТИЛДИ

Бугун мамлакатимизда мансабдор шахслар ўз хизмат бурчига қай тарзда амал қилаётгани, зиммасидаги мақсад-вазифаларни қай даражада бажараётгани борасида шаффоф тизим вужудга келмоқда. Бу жараёнда, айниқса, депутатлик назоратини самарали амалга ошириш ниҳоятда муҳим.

Халқ депутатлари Фарғона вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси гуруҳлари ташаббуси билан мутасадди мансабдорларнинг аҳоли саломатлигини яхшилаш, жисмоний тарбия ва болалар спортини ривожлантириш, вояга етмаган ёшлар билан ишлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш, туризмни ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасидаги фаолияти юзасидан ҳисоботлари эшитилди. Таъкидлаш жоиз, 2018 йилнинг ўтган олти ойида вилоятда ЎзМТДП гуруҳлари ташаббуси билан 30 марта ана шундай эшитув ташкил этилиб, уларда 40дан ортиқ мансабдор шахс ўз фаолияти доирасида бажарилган ишлар хусусида ҳисобот ва ахборот берди.

3-бет

Хиёбон

"...АДАБИЁТНИНГ ОНАСИ — ФАРОСАТ..."

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ЎРОЗБОЙ АБДУРАҲМОНОВ БИЛАН СУҲБАТ



— Бугун юртимизнинг нафақат ижтимоий, балки маънавий ҳаётида ҳам улкан ўзгариш ва янгиланишлар жараёни кечмоқда. Бу, албатта, Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси ҳаётида акс этаётир. Буни, айниқса, зукко адиб ва зиёлилар сезмаслиги, кўрмаслиги мумкин эмас...


— Бошқаларни билмадим, лекин ўзим деярли ҳар саҳар отган тонгга рози ҳолда уйғонаман. Пойтахт-Нукусни кезиб, унинг кун сайин чирой очаётган жамолига тўймай: "Ҳа, ишласа бўларкан-ку, асрлик уйқудан энди уйғондингми, халқим" деб ўйланаман. Янги иморатлар, янги гузарлар, баланд уйлар қурилаяпти, кўчаларга одамлар эмас, машиналар сиғмай кетаяпти, саҳройи халқ шаҳри марказида тамаддун тимсоли бўлмиш — тирбандликлар пайдо бўлаяпти. Аввалларимиз, Кизилқуму Устюрт уфқларининг саробларида кўришимиз мумкин бўлган ажойиб шаҳарнинг гўзал гўшалари, энди кўз ўнгимизда намоён бўлиб, унинг ичкарисида ўзимиз яшаяпмиз.

8-бет

Ушбу сонда:

ЭНГ ОММАВИЙ ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚ

FACEBOOKНИНГ ЯРАЛИШ ТАРИХИ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА



7-бет




"ГУРВАК — ХОРАЗМ ҚОВУНЧИЛИГИ РАМЗИ"

ҚОВУН САЙЛИНИ БИР КУНДА ЮЗДАН ЗИЁД САЙЁҚ КЕЛИБ КЎРДИ

7-бет

ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАР — ТУРИЗМ ТАРАҚҚИЁТИ МАНБАИ



3-бет

MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини **www.milliytiklanish.uz** сайтида, шунингдек, **fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz** ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!


газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
33 (517) 2018 йил 21 август, сешанба

Давлат дастури доирасида

“ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ”: ҚУЙИЧИРЧИҚДА ҚАНДАЙ ИЖРО ЭТИЛЯПТИ?



< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Яқинда ЎзМТДП Марказий ва Тошкент вилоят кенгаши вакиллари партия Қуйичирчиқ туман ташкилоти фаоллари ҳамроҳлигида “Ёшлар — келажагимиз” Давлат дастури бўйича Қуйичирчиқ туманида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Ўрганишлар давомида мазкур Давлат дастури доирасида тизимли ишлар амалга оширилаётгани маълум бўлди. Жумладан, туман ҳокимининг 1 июлдаги қарори билан “Ёшлар — келажагимиз” жамғармаси ташкил этилиб, унга вилоят бўйича 78 тадбиркордан, шунингдек, туман тадбиркорларидан маблағлар ўтказилган. Тумандаги ишчи гуруҳлари ёшларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ва тадбиркорликка бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида мавжуд 37 маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги жами 21 минг 200 га яқин хонадонга кириб, қарийб 27 минг 500 ёшлар билан суҳбатлашди, сўровнома ўтказилди. Шу асосда уй-жойга муҳтож 167 йигит-қиз аниқланди. Уларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида “Жумагул” ҳамда “Уч чинор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги туман ҳокимлиги балансидаги 2 бинони таъмирлаш учун 847 миллион сўм маблағ ажратилди. Бундан ташқари, туманда йиллар мобайнида бўш турган бино ва иншоотлардан самарали фойдаланиш мақсадида давлатнинг 11 мулки объекти инвестиция киритиш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида тадбиркорларга “нол” харид қийматида берилди. Ушбу лойиҳаларнинг ишга тушиши натижасида 11,6 миллиард сўм инвестиция киритилиб, 221 иш ўрни ташкил этилди.

Шунингдек, дастурга асосан тумандаги “Мингчинор”, “Баликчи” ҳамда “Гулистон” МФЙда “Ёшлар меҳнат гузарлари” учун ер майдонлари ажратилиб, қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу объектлардаги қурилиш ишларига 58 ёш жалб этилиб, уларнинг бандлиги таъминланди. Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган 60 нафар ёшга савдо мажмуаси, иссиқхона ташкил этиш, балиқчилик, боғдорчилик, чорвачилик ва бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш учун 566,892 гектар ер майдони ажратилди. Туманда 1 минг 693 нафар йигит-қиз бандлиги таъминланди. Дастур ижросини таъминлаш борасидаги бу каби ишларда халқ депутатлари Қуйичирчиқ туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ва партия туман кенгаши вакиллари ҳам иштирок этаётир.

— Мазкур дастур ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фаоллари, депутатлик бирлашмалари ва “Ёшлар қаноти” зиммасига катта масъулият юклайди, — дейди ЎзМТДП Марказий кенгаши бўлим бошлиғи Дониёр Тошбоев. — Зеро, бутун дунёда ғоялар ва манфаатлар кураши авж олаётган, глобаллашув ва ахборот шиддати, қарашлар ҳамда қадриятлар тўқнашуви одамлар қалбида чуқур акс-садо бераётган мураккаб ва таҳликали даврда юртимиз ёшлари қалбини асраш, уларни янги марралар сари рағбатлантириш, манфаатларини ҳимоя қилиш ҳар биримиздан — давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар, таълим муассасалари, маҳалла фаолларидан бу масалага алоҳида эътибор билан ёндашишни талаб этади. “Ёшлар — келажагимиз” Давлат дастурида кўзда тутилган мақсад-вазифалар Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Платформасида белгиланган ёшларнинг маънавий жиҳатдан юксалишига кўмаклашадиган маънавий-маърифий марказларни ташкил этиш, уларнинг фаолиятини ривожлантириш, ёшлар ўртасида ҳунармандлик, оилавий тадбиркорлик, касаначиликни тарғиб этиш, уларни иш билан таъминлашни кенгайтиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш каби вазифалар билан ҳамоҳанг. Бу эса мазкур йўналишдаги фаолиятимизни янада кучайтиришни талаб этади.

— Туманимизда “Ёшлар — келажагимиз” Давлат дастури асосида амалга оширилаётган ишлар ҳудуд ёшларининг бизнес ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда, — дейди халқ депутатлари Қуйичирчиқ туман Кенгаши депутати Отабек Султонбеков. — Ушбу самарали дастур доирасида туман марказида “Ёшлар коворкинг” маркази, “Уч чинор” маҳалла фуқаролар йиғинида болалар майдончаси, замонавий стадион, мактабгача таълим муассасаси, китоб дўкони, қандолатчилик цехи ва бошқа ижтимоий соҳа объектлари қурилиши давом этмоқда. Дастур ижросини таъминлаш борасидаги ишларда бошланғич партия ташкилотлари, ЎзМТДП туман кенгаши фаоллари ва биз депутатлар фаол иштирок этяпмиз. Аввало, дастур мазмун-моҳиятини, унда кўзда тутилган қулайлик ва чора-тадбирларни ёшларга етказяпмиз. Ҳашар ишларида қатнашяпмиз. Белгиланган вазифаларнинг тумандаги ижроси депутатлик назоратига олинган.

Дарҳақиқат, партия вакиллари ва депутатларнинг ёшлар тақдирига дахлдор Давлат дастури ижросидаги фаол иштироки ЎзМТДПнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашда, кенг кўламли ислоҳотларга кўмакдош бўлишида долзарб аҳамият касб этади. Қуйичирчиқ туманида дастур доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, кенг миқёсли саъй-ҳаракатлар ЎзМТДП дастурий вазифаларига ҳамоҳанг тарзда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, уюшмаган ёшларни тайин бир иш ёки машғулотга йўналтиришга хизмат қилади. Аниқ иш ёки машғулот билан банд бўлган ёшлар эса тенгдошларига намуна сифатида уларнинг ҳам қизиқиш ва интилишларига сабабчи бўлиши шубҳасиз. Бу, ўз навбатида, ёшларнинг жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик каби салбий иллатлардан йироқ бўлишини таъминлайди.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Долзарб ойлик

Мамлакатимизда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, экин майдонларида тежамкор суғориш технологияларини жорий этиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга устувор аҳамият қаратилмоқда.

СУВДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ

ҲОСИЛ УНУМДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ — АСОСИЙ МАСАЛА

Президентимизнинг 2018 йил 17 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида сув хўжалиги тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича “Йўл харитаси”ни тузиш, сув хўжалиги соҳасини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, ушбу соҳа бошқаруви тизимини янада мақбуллаштириш, сувдан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ва уни назорат қилиш тизимини ривожлантириш, сувни тежайдиган технологияларни қўллаш кўламини кенгайтириш, сув омборлари, йирик гидротехника иншоотлари ва бошқа сув объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш бўйича ишларни жадаллаштириш, сув ресурсларининг ҳисобини юритиш тизимини яхшилаш каби бир қатор муҳим вазифалар белгиланган. Айни шу мақсад-вазифалардан келиб чиқиб, сув хўжалиги соҳасида алоҳида вазирлик ташкил этилди. Унинг тизимига кирувчи ташкилотлар функциялари аниқ белгилаб берилди.

Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ хўжалигида ғўза парвариши, сувдан самарали фойдаланиш, сув танқислигининг олдини олиш, уни керагича етказиб беришни ташкил этишга қаратилган долзарб ойлик эълон қилинган эди. Шу боис айни пайтда қишлоқ ва сув хўжалиги ходимлари, фермерлар, уларнинг сувчилари тун-кун, иссиқни иссиқ демай ғўза парвариши билан шуғулланмоқда.

Ойлик доирасида Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам республикамиз бўйлаб сувдан фойдаланиш ҳолатини ўрганди, муаммоларга дуч келаётган деҳқон ва фермерларга кўмаклашиш чоралари кўрилди. Мазкур соҳани янада такомиллаштиришга қаратилган янгиликларни қонунчилигимизда акс эттириш бўйича фаол иш олиб борилмоқда.

Айни пайтда Қашқадарё вилоятида мавжуд сув манбаларидан самарали фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини белгиланган миқдорда етиштириш учун барча чора-тадбирлар кўрилаётир. Биринчи навбатда, мавжуд майдонлардаги ғўзани қондириб суғоришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бироқ ўрганишлар давомида аксарият ҳудудларда сув насоси, бетон ариқлар ва умуман, суғориш тизимида юзага келган айрим муаммоларни бартараф этиш зарурати мавжудлиги аёнлашди. Вилоятда сув истеъмолчилари ҳисобида 20 минг 449,6 километр суғориш, шундан 2 минг 205,95 километр бетон канал, 11 минг 143,25 ер ўзанли, 6 минг 236,62 километр лоток, 864 километр металл қувур тармоқлари, 13 минг 403 гидроиншоот, 9 минг 269 гидропостлар, 934 насос станциялари ва насос-агрегатлар, 11 минг 333 километр коллектор-дренаж тармоқлари мавжуд. Бу, албатта, жуда катта тизим. Лекин мазкур суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва назорат қилувчи ходимлар — муҳандис-гидротехник, муҳандис-мелиоратор, техник мелиораторлар сув истеъмолчилари уюшмалари штат жадвалига киритилмаган. Бу, ўз навбатида, сувдан самарали фойдаланишни ташкил этишда муайян қийинчиликларни юзага келтирмоқда.

Тегишли қонун ҳужжатларига кўра, коллектор-дренаж тармоқларини назорат қилишда ҳар 40 километр тармоқ учун бир нафар техник назоратчи бириктирилиши лозим. Вилоятда 11 минг 333 километр коллектор-дренаж тармоғи мавжуд. Демак, туманлардаги сув истеъмолчилари штат жадвалига яна 283 техник назоратчи ходимни киритиш зарур. Бундан ташқари, сув истеъмолчилари уюшмаларининг туманларда назорат органи ташкил қилинмаган. Бу эса, ўз навбатида, соҳадаги ишларни сифатли ташкил этишга салбий таъсир кўрсатаётир.

Албатта, сув — давлат мулки. Сув хўжалиги ташкилотлари уни катта харажат ва лимит асосида истеъмолчиларга етказиб бермоқда. Ўрганишлар жараёнида сувни бошқариш механизми сув истеъмолчилари ҳудуди — далага келгандан кейин бузилишига кўп гувоҳ бўлдик. Яъни, етказиб берилаётган сувни бошқариш асосий жойга келиб, фермерлар қўлига ўтади.

Шу йилда кузатилаётган аномал об-ҳаво, албатта, ҳосилга таъсир кўрсатмай қолмайди. Бундай вақтда сувга янада кўпроқ эҳтиёж туғилиши табиий. Деҳқонларимиз оғир йилда далада барқ уриб ўсаётган экинга қараб, ундаги ҳосилнинг чўғини чамалаб, ҳаммаси меҳнатга боғлиқ эканини таъкидлашмоқда. Деҳқонлар сувга навбати келгунча ҳосилни йўқотиб қўймаслик чораларини кўриш мақсадида бирови қудуқ қазиб, бошқаси ташланма сувдан фойдаланиб, экинга оби-ҳаёт олиб келмоқда. Мубораклик кекса деҳқон Эсон бува даласи учун белгиланган сув миқдори (лимит)ни ўз вақтида олиш учун тегишли ташкилотларга мурожаат қилганидан сўнг сув олиб келганидан сўз очса, касбилик уста пахтакор Ҳасан бува тўртта қудуқ қазиб, сув чиқаргани боис экинлари дуркун ўсаётганидан гапиради. Деҳқонларнинг бу каби чора-тадбирлари гарчи сув тақчиллигини бироз юмшатишга ҳисса қўшса-да, лекин сувдан фойдаланиш тизимини ислоҳ қилиш жуда муҳим вазифа, давр тақозосига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги мутахассислари сувни истеъмолчига талаб қилинган ҳажмда ва керакли пайтда етказиб бериш Сув истеъмолчилари уюшмаларига муносабатни ўзгартиришни тақозо этишини таъкидламоқда. Аммо бунинг учун Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан, шунингдек, парламент билан ҳам ҳамкорлик зарур.

Ўрганишлар жараёнида маълум бўлдики, сувдан фойдаланиш тизимини ислоҳ қилиш, ҳаётимизга кириб келаётган янгича меҳнат муносабатларининг меҳнат қонунчилигимизда ифодаланиши, меҳнат тақсимоти, унга кафолатланган иш ҳақи, ижро интизомининг тартибга солиниши борасида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар мавжуд. Шундай экан, қарордан келиб чиққан ҳолда бир ойлик ўрганишлар натижаларини атрофлича таҳлил қилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш лозим. Қонун ижодкорларининг бу борадаги ташаббускорлиги эса ҳаётий ҳуқуқий асосларнинг вужудга келишига, бунинг натижасида бутун вужудини қуёш тафтига бериб меҳнат қилаётган, омборларимизни донга, дастурхонимизни нонга тўлдираётган деҳқонларимизнинг меҳнати юзага чиқишига имкон яратади.



Ўрол ҲАЙИТОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Партия лойиҳаси

“ХИЗМАТ — БЕМИННАТ”: 91 ЙИГИТ-ҚИЗ ТАЛАБА БЎЛДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Улуғбек МУСТАФОЕВ,
ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши матбуот котиби:

— Оилада, ўзимиз яшаб турган маҳаллада, бутун жамиятимизда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси, тинч-осуда ҳаётимизни асраш ҳар биримизнинг бурчимиз. Айнан шу маънода партия вилоят кенгаши ташаббуси билан 2018 йилда вилоятда “Хизмат — беминнат” лойиҳаси асосида 18 бепул ўқув курси фаолияти йўлга қўйилди. Бу курсларда 110дан ортиқ уюшмаган ёшларга қўшимча билим берилди, касб-ҳунарга йўналтирилди. Бугун уларнинг 22 нафари (14 давлат гранти, 8 шартнома асосида) республикамиздаги турли олий таълим муассасаларига талабаликка қабул қилинди. Шу ўринда физика фанидан сабоқ берган Сардор Ўсаров шогирдларининг 12 нафари, Суннат Норқулов (биология фанидан) таълим берган ёшларнинг 7 нафари талаба бўлиш бахтига мушарраф бўлганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Демак, партиямизнинг “Хизмат — беминнат” лойиҳаси бугун ўз мевасини бермоқда.



Жалол АБДУЛЛАЕВ (Жиззах вилояти), “Хизмат — беминнат” лойиҳаси иштирокчиси:

— ЎзМТДП бепул ўқув-курслари фаолиятини йўлга қўйганини билиб, лойиҳа ташкилотчилари билан учрашдим. Улар мақсад ва қизиқишларимни ўрганиб, физика фани бўйича малакали мутахассисга бириктиришди. Устозимнинг кўмагида билимларимни янада бойитдим. Ва ниҳоят бугун мен бир вақтнинг ўзида республикамиздаги учта энг нуфузли олий таълим муассасалари — Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент шаҳридаги Инҳа ҳамда Турин политехника университетлари талабаси бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Бугун беминнат хизматнинг самарасини кўраётган барча тенгдошларим номидан “Хизмат — беминнат” лойиҳаси ташкилотчиларига миннатдорчилигимни билдираман.



Мирзаҳмед ТОЖИМУРАТОВ,
ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот котиби:

— Партиямиз томонидан ёшларни ватанпарварлик, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга бағишланган турли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, партия Қорақалпоғистон Республикаси, туман ва шаҳар кенгашлари томонидан “Хизмат — беминнат” лойиҳаси доирасида жорий йилда 38 ўқув курси ташкил қилиниб, уларда 280 га яқин ёшга қўшимча бепул таълим берилди. Ўқув курсларида таҳсил олган кўплаб ёшлар талаба деган шарафли номга сазовор бўлгани нафақат уларнинг ўзи, ота-оналари, балки биз партия вакиллари, устоз-мураббийларини ҳам мамнун этмоқда. Келгусида бу лойиҳани янада изчиллик билан давом эттириш, ўқувчилар сонини кўпайтиришни режалаштиряпмиз.



Динора АЛИМОВА (Қорақалпоғистон Республикаси), Нукус давлат педагогика университети талабаси:

— Ёшлар орасида истеъдодли, билимли ва изланувчан ўғил-қизлар кўп. Баъзиларида ўқиш шарт-шароитлари мавжуд бўлса, айримларида имкониятлар етарли бўлмайди. Мен ўзим ҳам кўпдан буён шу каби муаммоларга дуч келаётган эдим. ЎзМТДП ташаббуси билан ташкил этилган мазкур лойиҳа сабабли партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгашига мурожаат қилдим. Улар мени қизиқишимга қараб малакали устозларга йўналтиришди. Натижада Нукус давлат педагогика университетига 171 балл билан давлат гранти асосида ўқишга киришга муваффақ бўлдим. Бу лойиҳа ЎзМТДПнинг нуфузини яна бир карра оширишга хизмат қилади, десам адашмайман. Ўқишга кира олмаган тенгдошларим ҳам ҳозирданоқ бу лойиҳада иштирок этиш, билимларини бойитиш истагини билдирмоқда.



Рустам ҲУСАНОВ (Фарғона вилояти), З.Мирзатов номидаги халқ театри бош режиссёри:

— ЎзМТДПнинг мазкур лойиҳасида 2017 йилдан буён иштирок этиб, ёшларга таълим бериб келмоқдаман. Менга бириктирилган ўқувчиларга бор билим ва маҳоратимни ўргатишга, сингдиришга ҳаракат қиляпман. Зеро, устоз учун энг катта бахт шогирдининг эришган ютуғини кўришдир. Жорий йилда ўқувчиларим Камолиддин Эргашев ва Сарвиноз Бойматова Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Фарғона минтақавий филиали талабаси бўлди. Кўплаб уюшмаган ёшларнинг вақтини мазмунли ташкил этиб, билимларини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган ЎзМТДП фаолиятидан мамнунмиз.




Марғубахон САЛОҲИДДИНОВА, Фарғона вилояти, уй бекаси:

— Қизим Марҳабо Акрамова болалигидан хорижий тилларни ўрганишга жуда қизиқар ва шу йўналишда ўқишни ният қилган эди. ЎзМТДПнинг ёшлар учун бепул ўқув курслари ташкил этаётганини эшитиб, вилоят партия ташкилотига мурожаат қилдик. Қизим “Хизмат — беминнат” лойиҳаси асосида инглиз тили ўқув курсида таҳсил олиб, Давлат тест маркази томонидан ўтказилган CEFR B1 сертификатини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Натижада Фарғона давлат университетининг Хорижий тил ва адабиёт факультетига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди. Фарзандининг талаба бўлишини истовчи, аммо фанлардан қўшимча тайёрлантиришга моддий жиҳатдан имконияти етарли бўлмаган ота-оналар партиянинг ушбу лойиҳасидан самарали фойдаланса айни муддао бўлади.



Дилфуза ЯҲЁЕВА, ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши етакчи мутахассиси:

— Жорий йилда партия вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари “Хизмат — беминат” лойиҳасини уюшқоқлик билан ташкил этишга ҳаракат қилди. Энг аввало, уюшмаган ёшлар, эҳтиёжманд оилалар фарзандларига бепул таълим бериш истагини билдирган малакали устоз-мураббийлар, халқаро, республика миқёсидаги турли фан олимпиадалари ғолибларини кўнгилли равишда жалб этган ҳолда ўқув курсларини ташкил қилдик. Ҳомийлар иштирокида ўқув хоналари, ўқув жараёни учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Ўтган давр мобайнида қилинган меҳнат бесамар кетмади. Ўқув курсларимизда таҳсил олган ўқувчиларнинг 11 нафари нуфузли олий таълим муассасаларининг талабасига айланди. Келгусида ўқувчиларни кўпроқ жалб қилган ҳолда “Хизмат — беминнат” лойиҳаси талабалари сонини янада ошириш ниятидамиз.



Отабек ҲУСАНОВ, Бухоро тиббиёт институти талабаси:

— Болалигимдан тиббиётга қизиқаман. Ўтган йили касб-ҳунар коллежини битиргач, шу йўналишдаги таълим муассасасига ҳужжатларимни топширдим ва шартнома асосида ўқишга қабул қилинган эдим. Бироқ пул тўлаб ўқишни оилавий шароитимиз кўтармади. Кейин маҳалламизда ЎзМТДП фаоллари билан бўлган учрашувда партиянинг “Хизмат — беминнат” лойиҳаси ҳақида эшитиб қолдим ва вилоят кенгашига мурожаат қилдим. Бир йил давомида ўқув курсларида бепул таълим олиб, мана бу йил Бухоро тиббиёт институтига 168,5 балл билан давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиндим. Мен каби ёшларга шундай имкониятни яратиб берган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан миннатдорман.

Умида УЗОҚОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Халқ вакили фаолиятидан

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган депутатлар ва партия ташкилотлари ҳодимлари партиянинг "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида ташкил этилаётган учрашувларда маҳаллаларда истиқомат қилаётган уюшмаган ёшлар ва хотин-қизлар билан мулоқотда бўлиб, уларни қийнаётган, ўйлантираётган муаммоларга ижобий ечим топишга интилмоқда. Жумладан, партия Учтепа туман кенгаши вакиллари ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган депутат Илёс Абдумажидов Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги арафасида "Бирлик" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, касб-ҳунарсиз ва ишсиз ёшлар ҳамда хотин-қизларнинг гоявий, мафкуравий иммунитетини ошириш, бандлигини таъминлаш мақсадида улар билан суҳбатлашди, ёрдамга муҳтож оилалар ташвишларини ўрганди.

ЎН ЙИЛЛИК МУАММО ЖОЙИДА ЕЧИМ ТОПДИ

БУНДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ УЧТЕПА ТУМАН КЕНГАШИГА ЎзМТДПДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАРНИНГ МУНОСИБ ҲИССАСИ БОР



Дастлаб депутат тумандаги 21-мавзеда жойлашган 31-уй 5-хонадон соҳибаси Гулнора Ҳамидованинг муаммоларини тинглади. Аёлнинг маълум қилишича, турмуш ўртоғи ўзлари яшаётган уч хонали уйнинг бир хонасини сотиб юборган. Г.Ҳамидова бу уйда яшаш тартиби қандай бўлиши, мазкур ҳолат қонунга мувофиқ келадими-йўқми, бунда оила аъзоларининг рози-ризолиги ҳисобга олинадими, деган саволлар билан депутатга мурожаат қилиб, ундан ҳуқуқий маслаҳат сўради. Депутат бу масалани маҳалла фаоллари ва туман партия кенгаши ходимлари иштирокида атрофлича ўрганиб, аёлга ҳуқуқий маслаҳатлар берди. Натижада ҳозирда фуқарога адвокат ёлланиб, амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Депутат шу мавзедаги 25-уй 1-хонадонда яшовчи Ольга Савийскаянинг мурожаатини ҳам атрофлича ўрганди. Мурожаатда аёл уйини капитал таъмирлаш лозимлиги, аммо бунинг учун "қўли калталик" қилаётганини маълум қилган. Илёс Абдумажидов ушбу хонадондаги ҳолатни обдон ўрганиб, уйнинг ҳақиқатан ҳам капитал таъмирга муҳтожлиги, бу ерда яшаш учун шарт-шароит умуман қониқарли эмаслигига гувоҳ бўлди. Депутат фуқарога кўмак бериш мақсадида тегишли ташкилотларга сўров билан мурожаат қилди. Натижада уйни капитал таъмирлаш учун қурилиш материаллари олиб берилди.

Депутат ва партия фаолларининг хонадонма-хонадон юриши кўпчилик фуқаролар мурожаатлари ижобий ечим топишига хизмат қилмоқда. Илёс Абдумажидов Бирлик маҳалласидаги ўрганишларини давом эттириб, 21-мавзе 33-уй 14-хонадон эгаси Орзигул Бердиева билан ҳам учрашди. Аниқланишича, қандайдир сабаб билан ўн йил олдин ушбу хонадон совуқ сув тармоғидан узилган ва молиявий қийинчиликлар сабаб қайта улана олмаган. Депутат бунинг сабабларини ўрганиб, тегишли идоралар билан боғланди ва бу муаммони ҳам шу ернинг ўзида ҳал қилди. Кечга бориб, аёл хонадонининг сув жўмрагидан оби-ҳаёт оқа бошлади. Шунингдек, Орзигул Бердиеванинг уйи ҳам таъмирталаблиги инобатга олиниб, бу борада унга амалий ёрдам бериш чоралари кўрилди.

Ҳа, ким учундир ечими жуда қийиндек туюлган йиллик муаммоларга давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида бугун осонгина ечим топилмоқда. Буни юқоридаги мисоллар яққол ифодалаб турибди.

Халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари номига баъзан шундай мурожаатлар келиб тушмоқда: "Ҳурматли, депутат, фарзандимни болалар боғчасига жойлаштиришимда ёрдам берсангиз?". Бир қарашда оддий масала. Чунки бола боғча ёшига етдими, тегишли ҳудуддаги мактабгача таълим муассасаси қонун доирасида болани боғчага олишга мажбур. Бироқ ота-оналарга бунинг ҳуқуқий жиҳатлари ҳақида гапирсангиз, боғча мудиралари ўрин йўқлигини баҳона қилаётганини айтишади. Бу ҳолат, айниқса, Тошкент шаҳрида кўп учрамоқда.

Шу боис ЎзМТДП Учтепа туман кенгаши "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" фаоллари ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда мазкур масалалар борасида мавжуд вазиятни ўрганиб, мактабгача таълим муассасаларида таъмагирлик, коррупция ҳолатларининг олдини олиш, аксинча, МТМларга болаларни кенгроқ қамраб олиш хусусида бир қатор учрашувлар ташкил этди. Жумладан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Юнус Каримов партия туман кенгаши вакиллари билан биргаликда Учтепадаги 346-, 340-сонли мактабгача таълим муассасаларида бўлиб, маҳалла фаоллари ва ота-оналарни жалб этган ҳолда "Биз коррупцияга қаршимиз" мавзусида учрашувлар ўтказди. Унда коррупциянинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига тўсқинлик қилаётган энг катта таҳдидлардан бири эканлиги, жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларига путур етказиши алоҳида таъкидланди. Юртимизда мактабгача таълим муассасалари шарт-шароитларини яхшилаш, Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратиш, тарбиячи ва уларнинг ёрдамчилари маошларини босқичма-босқич оширишга эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

1989 йилда туғилган Ҳасан Қодиров меҳрибонлик уйида тарбия топган. Вояга етганидан сўнг Сергели туман ҳокимлиги 2011 йил декабрда Қўйлиқ-5, 6-уй, 53-хонадонни ажратиб, гўё оталарча ғамхўрлик кўрсатади. Бироқ ушбу хонадонда яшаш учун ҳатто оддий шарт-шароит ҳам яратилмаган. Ҳокимлик Ҳасанга нисбатан халқ ибораси билан айтганда "ўзинг учун ўл етим" қабилида иш тутган. Хонадонда на электр энергияси, на иссиқ-совуқ сув, на газ бор: уларнинг барчаси тармоқдан узиб ташланган. Ванна, раковина, газ плиталари бузиб олиб кетилган. Хонадоннинг ҳатто ички эшиклари ҳам йўқ, тўрт девор бор, холос.

Халқ депутатлари Сергели туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар гуруҳи Ҳасанбойга ёрдам бериш чораларини кўрди. Депутатлар кўмаги билан айни пайтда уй таъмирланмоқда.

Учрашув нафақат ота-оналар маслаҳатхонаси, балки фуқароларнинг мурожаатлар майдонига айланиб кетди. Йиғилганларнинг кўпчилиги депутат ва партия фаолларининг ташрифидан унумли фойдаланиб, ўзларини қизиқтирган масалаларда ҳуқуқий маслаҳатлар олди. Туман аҳолисини ўйлантираётган кўплаб масалалар ёзиб олиниб, уларни ҳал этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Равшан МАҲМУДОВ,
ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби

Мансабдор шахс — ҳисобдор

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Мамлакатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ҳар чоракда бир марта халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига, қишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиника бош врачлари эса ойда бир бор маҳалла фуқаролар йиғинларида ўз фаолияти юзасидан ҳисобот бериб бориши лозимлиги белгиланган. Шундан келиб чиқиб, партия гуруҳлари ташаббуси билан Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Одилжон Умаров, Ёзёвон, Тошлоқ ва Олтиариқ туманлари тиббиёт бирлашмаси бошлиқларининг ҳудудларда аҳоли соғлиғини яхшилаш, касалликларни эрта аниқлаш, оналар ва болалар саломатлигини асраш борасида амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботи тингланди. Партия гуруҳларининг ушбу ташаббуслари қарор ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН

МУТАСАДДИЛАР ҲИСОБОТИ ЭШИТИЛДИ

Халқ депутатлари Тошлоқ туман Кенгаши ўтказган ҳисобот мажлисида туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Турсун Мамажонов ҳудудда аҳоли саломатлигини асраш ва касалликларга қарши курашиш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида қуйидагиларни таъкидлади:

— Тошлоқ туманидаги 190 мингдан ортиқ аҳолига 17 қишлоқ врачлик пункти ҳамда битта кўп тармоқли марказий поликлиника бирламчи тиббий санитария хизматлари кўрсатиб келмоқда. Аҳолининг санитар эпидемиологик осойишталигини таъминлаш мақсадида бирлашмада ишчи гуруҳ тузилган. Ишчи гуруҳ вакиллари аҳоли ўртасида мунтазам соғлом турмуш тарғиботи бўйича давра суҳбатлари ўтказиб келмоқда. Жумладан, ўтган йилда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг асосий йўналишлари бўйича 7 давра суҳбати ўтказилди. Туман рўзномасида мунтазам чиқишлар амалга оширилди.

ЎзМТДП гуруҳлари ташаббуси билан ташкил этилган мазкур эшитувларда соғлиқни сақлаш тизимида эришилаётган натижалар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар танқидий таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича қарорлар қабул қилинди.

Спорт ёшларда ўз,иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлайди. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратишга эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ишлар депутатларимизнинг доимий назоратида.

Халқ депутатлари Учқўприк туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги "Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг Учқўприк туманидаги ижроси юзасидан туман Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси минтақавий филиали туман вакилининг ахбороти тингланди.

— Ҳозирги кунда туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 1 минг 700га яқин ўқувчи спортнинг 14 тури билан мунтазам шуғулланиб келмоқда, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси минтақавий филиали Учқўприк туман вакили Шавкат Ҳайдаров. — Уларга 43 нафар ўз касбининг устаси мураббийлик қилади. Спорт мактабида шуғулланаётган ёшлар туман, вилоят, республика ҳамда халқаро мусобақаларда фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Мисол учун, умидли спортчимиз Мақсутали Ҳайдаров ўтган йили Руминияда ўтказилган қўл жанги бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатида фахрли биринчи ўринни эгаллади. Бундан ташқари, икки нафар ўқувчимиз — Д.Маъмурова, М.Эминжонов ёшлар ўртасидаги шахмат бўйича Осиё биринчилигида иштирок этди. Шунингдек, 49 ўқувчи 2017-2018 йилларда футбол, баскетбол, шахмат, бокс, гандбол, белбоғли кураш, минифутбол турлари бўйича Ўзбекистон биринчилиги совриндорлари бўлди. Уларнинг 12 нафари олтин, 18 нафари кумуш, 19 нафари бронза медали соҳибларидир.

Ҳисоботда соҳадаги камчиликлар, ўз ечимини кутаётган долзарб масалалар ҳам бажарувчиси Шерзод Мирзокировнинг "Туманда қонун устуворлигини таъминлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш тўғрисида"ги ҳамда туман ички ишлар бўлими бошлиғининг "Туманда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида"ги ахбороти эшитуви ҳам қизғин кечди. Маърузачилар туман ҳудудида содир этилаётган жиноятчилик сабаблари ва оқибатлари, хусусида тўхталар экан, ушбу ҳолатларни кескин бартараф этиш, бу борада аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, фаолиятни янада жонлантириш лозимлигини таъкидладилар. Бундан ташқари, аҳоли ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида маҳаллаларда соғлом муҳитни шакллантириш, ота-она ва фарзанд ҳамда қайнона-келин муносабатларини тартибга солиш, ўзаро муносабатлар кескинлашувининг олдини олиш, вояга етмаганлар ҳимоясини янада кучайтириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида батафсил маълумот бердилар.

ЎзМТДП гуруҳлари партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, туризм соҳасида амалга оширилаётган ишлар устидан депутатлик назоратини ўрнатишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, халқ депутатлари Қувасой шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан Қувасой шаҳар ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарининг ахбороти тингланди. Эшитувда қайд этилганидек, Қувасой шаҳри ички ва ташқи туризмни ривожлантириш имкониятлари мавжуд бўлган, туристик ресурсларга бой ҳудуд ҳисобланади. У ўзининг тоғ ландшафти, бетакрор табиати билан ажралиб туради. Ҳудуддаги Юқори Мўёнтепа, Арктепа, Муллажонтепа, Бектемиртепа, Чилмозортепа, Каримқул қабристони, Катта Сўфон ёдгорликлари археологик туризмни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Арктепа археологик ёдгорлигида қазилма ишлари олиб борилган пайтда Қуёш ибодатхонаси топиб ўрганилган. У 2000 йиллик тарихга эга. Шунингдек, Қувасой республикамизнинг Зомин, Чортоқ, Чимён, Оқтош, Нанай, Шоҳимардон сингари курорт зоналаридан биридир. Аҳмад ал-Фарғоний номидаги соғломлаштириш маскани, "Роҳат" сиҳатгоҳи, "Ниҳол" болалар оромгоҳи иқлими, табиий шароити билан дам олувчиларни ўзига жалб қилиб келмоқда. Бундан ташқари, ҳудудда экотуризмни ҳам ривожлантириш имконияти мавжуд. Исфайрамсой, Ташламасой бўйлари, булоқлар, адирликлар саёҳатчиларнинг ҳордиқ чиқаришида айни муддао.

Эшитувда Қувасойда туризм салоҳиятини ривожлантириш ва уни иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бирига айлантириш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш ва улар учун қулай шароитлар яратиш, шаҳарнинг маданий, тарихий мероси ва табиий бойликларини кенг тарғиб қилиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар тўғрисида қарор қабул қилинди.


Хулоса ўрнида айтганда, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Давлат дастурлари ижросини сўзсиз таъминлашда тегишли мансабдор шахсларнинг ҳисобот ва ахборотларини эшитиш, уларнинг ўз зиммасидаги вазифаларига нисбатан масъулиятини янада ошириш муҳим аҳамиятга эга. Халқ депутатлари Фарғона вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари ташаббускорлиги соҳалар ривожи, мавжуд камчиликларни бартараф этишга кўмак беради.

Нурбек ЙЎЛДОШЕВ,
журналист

Маданий мерос

ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАР — ТУРИЗМ ТАРАҚҚИЁТИ МАНБАИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида мамлакатимиздаги мавжуд маданий ёдгорликларни, шаҳарларнинг тарихий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, меъморий обидаларни бутун инсоният учун қимматли осори атиқалар сифатида асраб-авайлаш ва қайта таъмирлаш устувор вазифа этиб белгиланган. Ушбу дастурий вазифалар ижроси партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг доимий эътиборида.



Бухоро Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари қаторида ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига киритилган. Бу ерга ҳар йили минглаб сайёҳлар унинг қадимий обидалари улуғворлиги ва гўзаллигидан баҳраманд бўлиш мақсадида келадилар. Вилоят партия ташкилотлари ва гуруҳлари ушбу маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, келгуси авлодларга бус-бутун етказишга кўмаклашишни мақсад қилган. Бу борада қатор ташаббуслар амалга оширилмоқда.

ЎзМТДП Бухоро вилояти кенгаши ва халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи 2017 йилнинг 10 май куни бўлиб ўтган Кенгашнинг 31-сессиясига "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг вилоятдаги ижроси тўғрисида"ги ташаббус-масалани киритган эди. Қарор ижроси таъминланмоқдами? Ушбу саволга жавоб олиш мақсадида бу борада амалга оширилаётган ишлар билан қизиқдик.

— Бухоро бой тарихий, маданий меросга эга бўлиб, уни асраб-авайлашга барчамиз бирдек масъулмиз, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Умида Раҳмонова. — Бугун вилоятда жами 660 моддий маданий мерос объекти рўйхатга олинган. Улардан 203 объект кадастр рўйхатидан ўтказилган, 323 объектнинг чегаралари белгиланган. Бухоро вилоятидаги давлат муҳофазасида бўлган жами 660 объектнинг паспортлари тайёрланган. 126 қадимий уй-жой, 231 археология объекти, 303 архитектура ёдгорлиги муҳофаза ҳудудлари билан чегараланган. Ҳозирда вилоятда давлат муҳофазасига олиниши тавсия этилаётган 64 замонавий, тарихий ва маданий мерос объекти мавжуд.

2017 йилда Арк қўрғони, Тоқи Саррафон, Тоқи Телпакфурушон, Тоқи Заргарон, Улуғбек мадрасаси, Калон масжид, Ситораи Моҳи Хосса ва Чор Минор мажмуаларида давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний, Чор Бакр ансамбларида эса давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъмирлаш ва тиклаш ишлари жадал олиб борилмоқда.

— ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан сессия қарори қабул қилинганидан сўнг вилоятда маданий мерос объектлари муҳофазасига бўлган эътибор янада кучайди, — дейди Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармасининг Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича минтақалараро давлат инспекцияси мутахассиси Азиз Жўраев. — Ўтган йилнинг ўзида сессия қарори ижроси юзасидан қатор ишлар амалга оширилди. 2018 йилда ҳам 15 моддий маданий мерос объектида таъмирлаш ва тиклаш ишлари олиб борилиши режалаштирилган. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ўта муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга молик объектларни қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш дирекцияси маблағлари ҳисобидан Абдулазизхон, Амир Олимхон, Мир Араб мадрасаларида қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш, Минораи Калон, Арк қўрғонида таъмирлаш ишларини давом эттириш режалаштирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июндаги қарорига мувофиқ моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш, зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятларини олган ҳолда ижарага бериш учун вилоятдаги 50 маданий мерос объектининг рўйхати шакллантирилди. Айни кунларда ижара шартномаси асосида 5 маданий мерос объекти — Бароий Кўҳна, Карвон боши, Кулита карвонсаройлари, Сув қувури минораси ҳамда Хўжа Порсо мадрасаларида таъмирлаш ва тиклаш ишлари олиб борилмоқда.

Амалга оширилаётган бу каби эзгу ишлар қадимий шаҳарга келаётган сайёҳлар оқимини янада кенгайтириш, аждодлар хотирасини улуғлаш ва ўтмиш тарихимизни қайта тиклаш, бой тарихий меросимизни кўз қорачиғидек асраш ҳамда келажак авлодларга етказишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Партия гуруҳларининг ташаббуслари амалда ўз натижасини кўрсатаётгани эса партия дастурий мақсад-вазифалари ижроси таъминланаётганидан, депутатлар соҳалар ривожига ҳисса қўшаётганидан дарак беради.

Муслима РЎЗИЕВА,
ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби

Партия лойиҳаси — амалда

Бугун Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари жойларда аҳолини ўйлантираётган масалаларни ўрганиб, уларни ижобий ҳал этишга кўмаклашаётир. Бунда партиянинг "Уйма-уй" лойиҳаси муҳим ўрин тутмоқда.

"УЙМА-УЙ": АҲОЛИ МАНФААТЛАРИНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ТАЪМИНЛАМОҚДА?



Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Дилфуза Омонова партиянинг "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида Бухоро тумани аҳолиси билан мулоқотда бўлди. Учрашувлар давомида "Сўфикоргар" маҳалла фуқаролар йиғини Чоруқ қишлоғида яшовчи Шоира Ниёзова "Шаҳризода" тикувчилик цехида раҳбарлик қилиши ва айни дамда цехни кенгайтириш, янги тикув машиналари сотиб олиш ниятида эканини айтиб, бунинг учун имтиёзли кредит олишда кўмак сўради. Фуқаро мурожаати депутат кўмагида ҳал этилди — "Халқ банки"нинг туман филиали унга 17 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратди. Шу асосида режалаштирилган ишлар амалга оширилиб, партия фаоллари иштирокида кенгайтирилган тикув цехининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Шунингдек, "Шаҳризода" тикувчилик цеҳида партиянинг "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида ҳам ишлар йўлга қўйилди. Энди ўнга яқин касб-ҳунарсиз ва ишсиз ёшлар, кам таъминланган оила фарзандлари Шоира Ниёзовадан ҳунар сирларини бепул ўрганмоқда.

Депутатнинг "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғинидаги уйма-уй ўрганишлари давомида 1998 йилда туғилган Фарангиз Низомиддинова тикувчиликка қизиқиши борлигини билдирди. У халқ вакили кўмагида "Шаҳризода" тикувчилик цехида иш бошлаган "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасидаги ўқув курсига жалб этилди. Фарангиз қисқа муддат ичида аёллар либосини тўрт мавсумга мос ҳолда тикишни ўрганди.

— Депутат Дилфуза Омонованинг хонадонимизга ташрифи орзуларим ушалишига туртки бўлди, десам муболаға бўлмайди, — дейди Фарангиз Низомиддинова. — Устозимиз Шоира Ниёзовадан тикувчилик сир-асрорини ўрганиб, мустақил равишда миллий ва замонавий либослар тикаяпман. Келажакда шу йўналишда олий маълумотга эга бўлиб, дизайнерлик фаолиятини йўлга қўйиш ниятидаман.

Депутат билан юзма-юз мулоқотлар чоғида "Дўстлик" МФЙ Гала Осиё кўчаси 28-уйда яшовчи "Самирам" гўзаллик салони эгаси Мавлуда Ҳамдамова иш фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида аёллар учун косметология ҳамда физиотерапия маркази очиш истагини билдирди. Бунинг учун имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам сўради. Ушбу масала ҳам ўз ечимини топди. Депутат кўмагида банкдан олинган кредит эвазига айни кунларда ушбу марказ ишга туширилиш арафасида.

* * *

ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" фаоллари ҳам "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида чекка ҳудудлардаги хонадонларга кириб бормоқда. Бунда кўп йиллардан буён эътибордан четда қолиб келаётган муаммолар ўрганилмоқда.

Дўстлик тумани "Саритепа" қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Гулноза Абдураимова 5 йилдан буён полиартрит касаллигидан азият чекади. Моддий етишмовчилик сабаб фуқаро чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтишга ҳам имкон тополмаган. Натижада касаллик анча "эскирган"...

— Аҳолининг репродуктив саломатлиги тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатларда касалликларнинг олдини олиш бўйича ҳудудларда мунтазам профилактик ва даволаш-ташхис қўйиш тадбирлари ташкил этилиши кўзда тутилган, — дейди ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши етакчи мутахассиси Шафоат Мусаева. — Шунингдек, марказдан олис ҳудудлар ва қишлоқ жойларда патронаж тизимини такомиллаштириш борасида алоҳида вазифалар белгиланган. Фуқаро Гулноза Абдураимованинг ҳолидан бохабар бўлганимиздан кейин унинг муаммоси бўйича суриштирув олиб бордик. Ҳудуддаги қишлоқ врачлик пункти вакиллари бизга патронаж ҳамшираси меҳнат таътилида бўлганлиги сабабли фуқаро тиббий кўрикдан ўтказилмаганини билдирди. Наҳотки бир одам беш йилдан буён касаллик билан "олишиб" ётган бўлса-ю, ундан биров ҳол сўрамаса?! Ёки патронаж ҳамшираси беш йилдан буён "меҳнат таътилида" бўлганми? Бу умуман мантиққа тўғри келмайдиган баҳона. Мантиқан олганда ҳам "нима, бундан бошқа ҳамшира йўқми?", деган савол пайдо бўлиши табиий.

Партия вакиллари Гулноза Абдураимованинг мурожаати юзасидан тегишли мутасаддиларга юзланди. Натижада фуқаронинг имтиёзли даволаниши учун ордер олиб берилди. Асосийси беморнинг ҳолидан доимий равишда хабар олиб туриш учун алоҳида ҳамшира бириктирилди. Шунингдек, ижтимоий муҳофазага муҳтож ушбу фуқарога ногиронлик нафақаси тайинланиши бўйича ҳам ҳуқуқий маслаҳатлар берилди...

Кўз инсонга бу дунё гўзалликларини кўриш ва улардан баҳраманд бўлиш учун ато қилинган. Шу маҳаллада яшовчи фуқаро Шоҳиста Файзиева эса кун сайин бундай бахтдан мосуво бўлиб бораётган — у кўриш қобилияти пасайиб кетганидан азият чекарди. Оиладаги моддий етишмовчилик фуқаронинг доимий равишда даволаниб туришига имкон бермас эди. Партия фаолларининг уйма-уй ўрганишлари давомида ушбу муаммога ҳам ечим топилди. Мазкур масала юзасидан мутасадди идораларга хат билан мурожаат қилинди. Натижада фуқарога Жиззах вилоят кўз касалликлари шифохонасида даволаниш учун ордер берилди.

Хулоса эса битта: партиянинг "Уйма-уй" лойиҳаси одамларнинг муаммоларини ечишга, орзуларига қанот бағишлашга, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этишда ўзига хос қанот бўлмоқда. Партия фаоллари ва депутатларнинг лойиҳа доирасидаги ишлари барча ҳудудда изчил давом эттирилмоқда.

Муслима РЎЗИЕВА,
Улуғбек МУСТАФОЕВ,
ЎзМТДП Бухоро ва Жиззах вилоят кенгаши матбуот котиблари

Ташаббус натижа берди

"СУРХОНДАРЁ ГИЛАМЛАРИ" МУЗЕЙИ ОЧИЛДИ

Гиламдўзлик қадимий ҳунар тури саналади. Момоларимиз тўқиган гиламлар бадиий безаги, нақшларининг фалсафий маънолари, сифати билан харидорни ўзига тортган, хонадонга ўзгача жозиба бахш этган. Шу боис юртимизнинг ҳар бир ҳудудида ўзига хос гиламчилик анъаналари, услуби ва мактаблари шаклланган.



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси анчадан буён ҳудудларимиздаги гиламдўзлик намуналарини бир жойга тўплаб, алоҳида музей ташкил этиш ғоясини илгари суриб келмоқда. Айни шу мақсадда ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотлари ҳамда гуруҳлари жойларда ўрганишларни амалга оширди. Ушбу жараёнда хонадонларда кўплаб ноёб ва қадимий гилам намуналари борлиги аниқланди.

Бунда, айниқса, партия Сурхондарё вилоят кенгаши томонидан амалга оширилган ишларни намуна сифатида келтириш мумкин. Партия ташкилоти ва депутатлар аввал ҳунармандчиликнинг нодир турларидан бири бўлган гиламдўзликни қайта тиклаш, мавжуд анъаналарни сақлаб қолиш мақсадида аҳоли хонадонларига кириб қадимий гилам намуналари ҳақидаги маълумотларни тўплади. Ўрганишлар давомида Бойсун тумани Кўчкак маҳалласида истиқомат қилувчи Санобар Эшбоева ва Ойдин Рамазонова туман ёшларига гиламчилик санъати сиру асрори ва тарихидан сабок бериб келаётгани аниқланди. Улар ташаббуси билан ташкил этилган уй-музейда 1960-1970 йилларда тўқилган такир гилам, терма гилам, попона (диг-дига) каби гиламлари турлари ҳамда XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларига оид ноёб "Оқ энди" гиламлари ўрин олган.

Ўрганишлар натижасида ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" ҳамда Сурхондарё вилоят "Баркамол авлод" болалар маркази ҳамкорлигида "Сурхондарё гиламлари" музейи ташкил этилди. Ушбу музейнинг очилиши муносабати билан "Гиламларда акс этган қадрият" мавзусида тадбир ўтказилди.

— Сурхондарё гиламчилик санъати ўзига хос бадиий услуби ва анъаналарига эга, — дейди ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси Азиз Машрабов. — Улар асосан "олача", "гажаки", "йўрма", "йўл-йўл", "арчагул" усулида катта ва кичик ҳажмларда тўқилади. Гиламларда безак сифатида геометрик шакллар, гуллар, ҳар хил жониворлар тасвиридан фойдаланилган. Ўрганишларимиз жараёнида турли ўлчамдаги, безак берилган гилам турлари аниқланди. Айрим хонадонларда ҳатто бундан бир-икки аср олдин тўқилган гиламлар ҳам сақланиб келинаётганига гувоҳ бўлдик.

Хонадонлардан топилган ана шундай ноёб гиламларни бир жойга тўплаб, музей ташкил этилгани гиламдўзлик билан боғлиқ бой тарихимиздан нафақат юртдошларимизни, балки хорижлик сайёҳларни ҳам хабардор қилиш, ёш авлод ўртасида миллий ҳунармандчиликни кенг тарғиб қилишга имкон беради. Қолаверса, бу ташаббус Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида белгиланган тарихий, маданий меросни асраб-авайлаш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни камол топиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг миқёсда тарғиб этиш каби устувор мақсад-вазифаларга уйғун ва ҳамоҳангдир.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ҳашар — элга ярашар

Шу йилнинг 18-19 август кунлари Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги олдидан мамлакатимизда умумхалқ хайрия ҳашари уюшқоқлик билан ташкил қилинди. Унда юртини, маҳалласини, кўчасини обод ва кўркам масканга айлантириш истаги билан яшаётган ҳар бир фуқаро фаол иштирок этди.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТДИ



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳудудий ва маҳаллий ташкилотларида ҳам ушбу умумхалқ хайрия ҳашари бирдамлик ва ҳамжиҳатликда ўтказилди. Партиянинг ҳудудий кенгашлари фаоллари ён-атрофни ораста, саранжом-саришта ҳолга келтиришда сидқидилдан меҳнат қилди. Партия ташкилотлари жойлашган бино атрофидаги чиқиндилар чиқариб ташланди, ариқлар тозаланди, дарахтлар оқланди.

Эътиборлиси, ҳашар кунлари кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган оилаларнинг уй-жойлари таъмирланди, уларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Аҳолини ҳамжиҳатлик ва аҳилликка чорловчи ҳашар фақат ўзаро меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлаб қолмай, балки ёшларнинг Она Ватанга бўлган муҳаббатини ҳам янада оширишга хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз

Халқаро фестиваль олдидан

МАҚОМ — ЖАҲОН МУМТОЗ САНЪАТИНИНГ ҚАДИМИЙ ИЛДИЗИ

Жорий йил 6-10 сентябрь кунлари Шаҳрисабз шаҳрида Халқаро мақом санъати анжумани бўлиб ўтади. Шу кунларда юртимизда мазкур нуфузли санъат анжуманига пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

Ўзбекистон халқ ҳофизи, "Дўстлик" ордени соҳиби Ҳасан РАЖАБИЙ билан ЎзА мухбирининг суҳбати мақом санъатининг тарихи, ривожланиши, жаҳон мумтоз мусиқаси ривожидаги ўрни ҳақида бўлди.

— Мақом — ўзбек мумтоз мусиқаси дурдонаси дейилиши бежиз эмас. Ушбу санъатнинг шаклланиш тарихи ҳақида нима дея оласиз?

— Мақом халқимизнинг бебаҳо маънавий мероси. Ушбу санъат ривожланишнинг узоқ даврини босиб ўтган, кўплаб санъаткорлар, бастакорлар унинг тадрижий тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган. Уларда инсон кечинмаларининг энг нозик оҳанглари жамланган. Шу сабаб мақомни ҳис қилиш, тушуниш учун маълум тайёргарлик зарур. Бунинг учун киши ёшликдан мусиқага меҳр қўйиши, руҳий камолотини айни шу жиҳат билан боғламоғи керак. Эски ўзбек ёзувини, араб ва форс тилларини ўрганиши даркор. Мақомни эшитиш уни тугал тушунишни англатмайди. Ижро йўлига келсак, у алоҳида санъат, алоҳида маданият.

Мақом ижрочилиги энг қадимий санъат турларидан. Унга IX-X асрларда Марказий Осиё ва Шарқ мамлакатларида ижтимоий-маданий ҳаётга таъсир кўрсата олган жонбахш омил сифатида қаралган.

Ўзбек мақом санъати минг йиллик тарихга эга. Юртимиздаги "Шашмақом", "Хоразм", "Фарғона-Тошкент" мақомлари куйнинг ўзига хос мавқеи ва ижрочилик йўли билан ажралиб туради. Унинг ривожланиши ва асрлар оша сайқал топишида давр, замон, ижтимоий воқелик муҳим унсур сифатида ўз таъсирини кўрсатган.

Юртимизда мақомчилик санъатининг тараққий этишида академик Юнус Ражабийнинг ҳиссаси катта. Хусусан, у кишининг интилишлари туфайли 1959 йили илк бор ўзбек тилида "Ўзбек халқ мусиқаси" номли олти жилдлик Шашмақом анталогияси тузилди.

— Мақом турли халқларда турлича номланади. Уларнинг фарқли жиҳатлари, сизнингча нималарда кўринади?

— Мақом ўзбек ва тожик халқларида бир хил номда, Озарбайжонда муғом, Эронда нуғба, уйғурларда муқом деб юритилади ва улар бир маънони англатади. Кўплар уларнинг илдизи бошқа-бошқа деб ўйлайди. Аслида мумтоз оҳанглари-



мизнинг илдизи битта. Фақатгина айрим фарқлар ва ўзига хосликлар мавжуд. Чунончи, уйғур мақоми ижросида гўзал қочиримларга эътибор кучлироқ, тожик халқида мақом оҳанглари ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Форсий куй ва оҳанг ҳамоҳанглигини бошқа мақом такрорлай олмайди. Ўзбек мақоми сўзларидаги бой маъно барча замонларда эътироф этилган.

Туркий халқлар мақомида умумий жиҳат куй авжи ва тугалланишига алоҳида аҳамият қаратилишидир. Авж пардалари баландроқ, якуний қисм дилга хуш ёқувчи нафис ижро этилади.

Мақом жуда йирик туркум. У бошқа мусиқа асарларидан мукаммаллиги, куй ва шакл тизимларига эга экани билан фарқланади. Шунинг учун мақомни ижро этаётганда, аввало, мумтоз адабиётдан хабардор бўлиши зарур. Ижрочи мақом устида ишлаётганда бир сўзнинг маъносини тушунмадими, шу ғазални маромига етказиб куйлай олмайди, яъни шоир билан ҳофиз ўртасида девор пайдо бўлади. Мақом жуда катта илм. Мақомчилик ҳаваскор хонандаларнинг олди-қочди сўзлари, хатти-ҳаракатидан холи бўлмоғи керак.

Раҳматли отам айтар эди: "Мақомни тузатсанг тузат, асло бузма". Мақомни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Сўзни хато талаффуз қилиш, оҳангни, авжни нотўғри талқин қилиш халқнинг бой маънавий меросига хиёнат қилган билан баробар. "Кеча келгум" деб бошланувчи ғазал "Кеча келдим"шаклида ижро этилмаслиги керак. Бунда сўз билан ишлашга алоҳида аҳамият бермоқ лозим. Мақомда чиройлироқ ижро ярата олинсагина ўзгартириш киритиш мумкин.

— Мақом аждодлардан ўтиб келаётган бой хазина. Сизнинг сулолангизда ҳам бу анъана сақлаб келинмоқда...

— Бизнинг бахтимиз санъатни, адабиётни қадрлайдиган Ражабийлар хонадонида таваллуд топганимизда, деб ўйлайман. Чунки бу хонадонда таваллуд топмаганимда мақомнинг сирли дунёсига кирмаган бўлардим. Ўзим тилшунос бўлсам-да, ўша давр тузуми бизга соҳадан тўла бохабар бўлишимизга имкон бермади. Аммо отамнинг билим ва сабоқлари туфайли сўзга меҳр қўйганман. Бадиий сўз жилоси уни оҳангга солиб ижро этишга иштиёқ пайдо қилган. Бундаги бор сир-синоатларни ўрганишга аҳд қилдим. Отамнинг изидан бориб, илмий изланишга қўл урдим. Яқинда 700 саҳифадан иборат "Ражабийнома" китобим нашрдан чиқди. Унда мақом санъати ҳақида тўплаганларим ва отам ҳақидаги хотираларимни жамлаганман.

Бугун фарзандларим, невараларим ҳам мақомга меҳр қўйган, бу борада кўплаб ютуқларга сазовор бўлган. Бундан беҳад мамнунман.

— Мамлакатимизда мақом санъатига қаратилаётган эътибор ҳақида қандай фикрдасиз?

— "Шашмақом" ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилгани халқимиз ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири бўлган эди. Ўтган йил 17 ноябрда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш тўғрисида"ги қарори қабул қилиниши ана шу унутилмас воқеанинг давоми бўлди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар икки йилда Шаҳрисабзда Халқаро мақом санъати анжумани ўтказилиши белгиланди. Бу биз санъаткорлар учун мақомни жаҳон узра тарғиб этишда улкан имкониятдир. Бу ишлар асрлар давомида халқимиз маданий меросининг ажралмас қисми бўлган, қадимий тарихи, теран фалсафаси, бетакрор жозибаси билан инсониятга руҳий қувват бериб келган мақом барҳаёт яшашини англатади.

— Шаҳрисабз шаҳрида ўтадиган биринчи Халқаро мақом санъати анжуманидан нималар кутяпсиз? Бу тадбир мақом санъати юксалишида қандай аҳамият касб этади?

— Халқаро анжуманда кўплаб хорижий давлатлардан машҳур хонандалар, созандаю мақом билимдонлари иштирок этади. Ташкилотчилар орасида туркий мақом санъатидан бохабар кўплаб ижодкор дўстларим, шогирдларим фаолият олиб бормоқда. Халқ ҳофизи Маҳмуджон Тожибоев, Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиевалар билан тадбир доирасида ўтказиладиган "Мақом мусиқа санъати ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни" мавзусидаги илмий-амалий конференцияга тайёргарлик кўрмоқдамиз. Бунда ўзбек мумтоз мақомининг аҳамиятли томонларига эътибор қаратаяпмиз. Нуфузли тадбирда миллий мумтоз санъатимиз жозибаси намойиш этилади, маҳаллий ва хорижлик мусиқашунослар, олимлар, хонанда ва созандалар ўзаро фикр алмашади.

Тадбирда ғолиб бўлиш эмас, муносиб иштирок этиш муҳим. Бу каби танловлар дунё халқларининг мусиқий тафаккури, дунёқараши янада бойишига, маънавий меросга алоҳида меҳр қўйишига хизмат қилади.

ЎзА мухбири
Дилобар МАМАТОВА
суҳбатлашди.

Бугуннинг гапи

БИЗ АНДИШАЛИ ХАЛҚМИЗ(МИ?)

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Афсуски, кунда-кунора бу ҳадиклар ҳақиқатга айланиб бормоқда.

Хўш, нима учун ён-атрофимиздаги одамлар бунчалар тажовузкор бўлиб бормоқда? Шу жиноятлар билан батафсил танишсангиз, уларнинг ҳеч бири қўлга пичоқ олиб, ташланишга арзимайди, аслида. Бироқ бу тийиқсизликларнинг, бебошвоқликларнинг сабаби нима?

Албатта, уларнинг аксарияти катта маънавий бўшлиқлар оқибатидир.

Биз шунча йил маънавият-маънавият, деб тинмай жаврашни қотирдик, бироқ одамларни лоақал китобхон қила олмадик. Икки-учта дипломи бор одам кўчада пиёда юриб, алифни калтак дейдиган уддабурон ойда-йилда автомашина алмаштиргандан сўнг ҳам мутолаа маданияти ҳақида гап бўлиши мумкинмиди?

Қонун доирасида иш қиламан, қонунни ҳурмат қиламан деган бир анойи оввора-ю сарсон бўлиб, қоғозбозликлар тўсиғидан ўтолмай, мансабдор тўралар эшигида ойлаб сарғайгани ҳолда айланма йўлларни танлаган учарлар ишини тез битиргандан кейин ҳам қоидали яшаш, қонун доирасида ишлаш ҳақида гап бўлиши мумкинмиди ўзи?

Аксарият одамлар миясида қандай қилиб бўлса ҳам пул топиш, кўп мансабдорлар қилмишида оқни қора деб бўлса ҳам ўз курсисини сақлаб қолиш дардидан бошқа ташвиш қолмагач, андиша, ор ё ғурур ҳақидаги гаплар қандай қилиб сафсатага айланмасин?!

Муддао шуки, биз оқ ранглар кўпайсин деймиз, дунё ва одамзод ҳаётини ёруғликка, нур ва зиёга чулғанмоғини истаймиз. Демоқчимизки, бу маънавий бўшлиқлар бугун ё кеча пайдо бўлгани йўқ. Уларнинг газак отишига йиллар давомида барчамиз тенг йўл қўйиб бердик. Бу орада глобаллашув ҳосиласи бўлган "оммавий маданият" айрим ёшларнинг ҳаёт, борлиққа бўлган қарашларини ўзгартириб, фикрлаш тарзини издан чиқарди, дунёқараш ва туйғулари қашшоқлашувига олиб келгани ҳам айни ҳақиқат.

Яқинда Интернетда бир видео пайдо бўлди: важоҳатидан ит ҳуркадиган бир "азамат" ичқуёв, камига қайинсинглиси билан келиша олмас экан. Қайинсингил опасининг умумий газ плитасида овқат қилишига қаршилик қилибди. Шунда ичқуёв тушмагур кўчадан важоҳат билан кириб келиб (табиийки, қўлида камераси ёқилган телефон), барча ҳолатни тарихга муҳрламоқда. Унинг гапларини қаранг: "шу бизнинг овқат қилишимизга қаршилик қиляптими? Яхши. Мана, сабзи-пиёзлар арчиб қўйилган, лекин бу қиз бизнинг овқат тайёрлашимизга қаршилик қилмоқда. Мана, ҳаммасини видеога оляпман, керак бўлса "портал"га ҳам ёзаман...".

"Яша, азамат! Қандингни ур!".

Энсанг қотади: энди шу оилавий машмашани ҳам "портал" орқали ҳал қилиш керакми? Тоғни урса талқон қиладиган, кўчада бировга гап бермайдиган, лекин хотиннинг уйига сиғинди бўлгани камдек уларга яна зуғум қиладиган бундай нусхалар қаердан пайдо бўлмоқда ўзи?..

Яна бир мисол: эр-хотин ажрашмоқчи экан, сабаби — аёли телефонда бегона эркак билан гаплашибди. Энди эр жонивор шу ажралиш воқеасини видеога олиб, Интернет орқали дунёга жар соляптики, "мана, хотиним менга хиёнат қилди, кўринглар...". (Ҳа, афсуски, ҳаётда уйининг гапини кўчага "ташиётган" бундай "куёв"лар ҳам бор). Савол туғилади: агар шу латтачайнар рисоладагидек эркак бўлиб, ориятли-ҳамиятли бўлганида, аёли шу ишни қилармиди? Менимча, йўқ. Чунки излаганини уйидан топа олмаган одам кўчага чиқиб кетади...

Бу — бугун онгдаги бўшлиқнинг ўрнини "оммавий маданият" эгаллаб олаётганига мисол.

Бугун Интернет замони. Замон билан тенгма-тенг қадам ташлаш, унинг имкониятларидан кенг фойдаланиш йигит-қизлар олдига муайян талабларни қўяди. Аммо Интернетда видео, расм, бўлар-бўлмас хабарлар тарқатиш "замон билан ҳамнафаслик" дея таърифланаётгани ачинарлидир. Тўғри, уларнинг орасида фойдали, намуна бўладиган, тўғри ва оқилона хулоса чиқаришга кўмаклашадиганлари ҳам бор. Аммо қора ранг ҳамиша оқни беркитиб, кўринмайдиган ҳолга келтиришини унутмаслик лозим.

Ҳақиқат шуки, бизнинг кимлигимизни қилаётган ишларимиз белгилаб беради.

Кейинги йилларда аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган амалий ишлар юртдошларимизда бугунидан шукроналик ва эртанги кунга ишонч туйғусини мустаҳкамлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда барча ислоҳот инсон манфаатлари учун йўналтирилмоқда. Давлат идоралари халқимизга хизмат қилмоқда. Бироқ бу имкониятлар, бу эътибор-у ғамхўрликларни суиистеъмол қилиш ҳолатлари ҳам учрамоқдаки, бунга жим қараб туриб бўлмайди.

Бир мисол: давлатимиз раҳбари ғояси билан амалга оширилаётган "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари сабаб юзлаб қишлоқлар ва маҳаллаларга, минглаб хонадонларга ободлик, янгиланиш нафаси кириб бормоқда. Лекин бу дегани — барча юкингни давлатга ташлаб ол, дегани эмас-ку. Давлат ўз вазифасини, халқ олдидаги қарзини узмоқда — йўлни тўғриламоқда, электр энергияси, ичимлик суви, газ ва бошқа муҳандислик-коммуникациялари учун пул ажратмоқда. Ички имкониятлар ҳисобидан ўта ночор аҳволдаги, ногиронлиги бор инсонларнинг уй-жойи ҳам таъмирлаб берилаётир. Бироқ соппа-соғ одамлар ҳам, уйида икки-уч барвастадай эркак ҳеч ерда ишламай, ухлаб ётадиганлар ҳам уялмай-нетмай уйига ҳол сўраб келган мутасаддиларга ўлигини ортиб олаётгани қайси мезонларга тўғри келади?

Яқинда бир ҳолатни айтишди: бир маҳалла ҳам шу дастурга тушган экан, ишчи гуруҳ ўргансаки, кўча юзидаги хонадонлардан бири анча хароб. Бироқ шу оиладаги эр-хотин соғлом, икки юзи қип-қизил, лекин иккови ҳам ишламайди: "берсанг — ейман, урсанг — ўламан", деб кўзини мўлтиратиб ўтирибди. Эркакка нақ йигирмата жойдан иш таклиф қилишибди, бироқ давангирдай "азамат" барчасини рад қилибди. Ишчи гуруҳ аъзолари айтибдики, "ака, ишласангиз, рўзғорга барака кирарди, хонадонингизни ҳам чиройли таъмирлар эдингиз, биз ҳам қараб турмаймиз, албатта, сизга ёрдам берамиз".

Энди "кам таъминланган" дейилмишнинг жавобини қаранг: "сизлар айтаётган иш менга тўғри келмайди, уйимнинг хароблиги ҳам бизга бўлаверади, агар сизларга ёқмаётган ёки маҳалла кўркини бузаётган бўлса, марҳамат, текин таъмирлаб кетаверинглар". Ана сизга фирибгарликнинг яна бир янги усули. Аслида эса у моддийдан ҳам кўра маънавий томондан анчагина кам таъминланган кўринади.

Ёки "Обод қишлоқ" дастури бўйича бу йил ҳар бир туманда иккитадан қишлоқда ишлар кетмоқда, кейинги йили, насиб қилса, учтадан бўлади. Лекин бошқа қишлоқдагилар ўз ҳудудини обод қилиш учун дастурни кутиб ўтириши шарт эмас-ку? Бироқ айрим одамларда шундай тасаввур пайдо бўляптики, гўё улар қанча хароброқ кун кечирса, уларга шунча тез ёрдам берилади.

Аслида муҳтож одам, чиндан ориятли-андишали бўлса, ёрдам сўраб бормайди. Уни мана, қишлоқма-қишлоқ, маҳаллама-маҳалла, уй-уй юрган ишчи гуруҳлар ўзи топиб-аниқлаб олаверади. Интернет орқали ёрдам сўрайдиганлар ҳам, сўнг "менга ёрдам берилмади" деб, аюҳаннос соладиганлар ҳам, билингки, андишага ҳам, ориятга ҳам тупириб қўйган. Уларнинг мақсади битта: қандай қилса ҳам кимдандир юлиш, ўзи эса зинҳор-базинҳор чиқим қилиши керак эмас.

Яқинда икки ҳамкасбимиз бир қишлоқдаги воқеани оламга достон қилмоқчи бўлди. Ҳодисанинг қисқа тафсилоти шуки, бу қишлоқ "Обод қишлоқ" дастурига тушган, табиийки, ноқонуний қурилмалар бузилган, лекин бир акамиз бузилган молхонасининг тоғдай уюлиб ётган кесак-тупроқлари ташиб олинмаганидан норози эмиш. Материални ўқиб, шу қишлоқни ичдан биладиган одам сифатида ҳам кулгим келди, ҳам жаҳлим чиқди. Ўзингиз ўйланг, белгиланмаган жойда молхона қуриб, кўчани торайтирган шу акамиз бўлса, аслида сўроқсиз қурган оғилхонасини ҳам ўзи бузиб, ташиб олиши керак эмасми? Мутасаддилар "шунга ёрдам бўлсин", деб молхонасини бузиб берибди, керакли лаш-лушини ўзи ҳамкасбларимиз ҳам йўлда учраган одамдан илашган гапни сўраб-нетиб ўтирмай, дунёга достон қилавериши нақ ҳовлиқмаликдан бошқа нарса эмас-ку...

Мана, икки ойдан ошди, барчамиз "Обод маҳалла" дастури доирасида Тошкент шаҳрида йиғилиб қолган қат-қат муаммоларни ич-ичидан ҳис қиляпмиз, уларни ҳал қилиш учун қандай катта маблағ, куч ва салоҳият сафарбарлик қилинаётганига ҳам гувоҳмиз. Айниқса, пойтахтимизнинг тириклик томири бўлган анҳор ва каналларнинг қанчалар абгор ва хароб аҳволга келиб қолгани барчамизнинг неча йиллик дардимиз эди. Шу жараёнда бир ҳолат — инсонлик қиёфасини унутган айрим кимсалар канализацияси қувурларини анҳорларга тўғрилаб қўйгани, шу анҳорнинг қуйи қисмида яшаётганлар эса шу сувдан ичаётгани ҳам ор-номус, андиша ва ғурур тушунчалари ҳаётимиздан қанчалар қийматсиз бўлиб қолганидан нишона эмасми? Ахир бир пайтлар ота-боболаримиз ҳатто сувга тупиришни катта андишасизлик санамасмиди? Шу анҳорларда олмалар ювиб, нонларни оқизоқ қилиб емасмиди? Андишасизлигимиз шундай "ҳадди-аълоси"га етдики, бугун бу сувларга ҳатто қўл ювишга қўрқасан.

Андишали инсон айбни аввало ўзидан қидиради. Лекин сўнгги пайтда фақат ва фақат бошқалардан айб-у нуқсон излайдиганлар кўпайиб бормоқда. "Шум бола" асари эсингиздами? Кимдир "ур, мусулмонлар", деса, одамлар сўраб-нетиб ўтирмай кимнидир оломон қилишга тушади, бир бечорани ўлдириб бўлишгач, бир-биридан "ўзи нима айб қилган эди?", деб сўрашади. Худди шу сингари бугун кимнингдир айбини видеога олиб, ижтимоий тармоқларга тарқатадиганлар, ўзича кимнидир "суд" қилиб, жазолашга уринаётганлар кундан-кун кўпайиб бораётгани ғоят хатарлидир. Айниқса, хорижда юрган айрим каслар (юртдош дейишга ҳам тил бормайди) ўз миллатдоши тақдирига ўзича ҳукм ўқиётгани фақат ва фақат ўзимизни ўзимиз шарманда қилишдан бошқа нарса эмас.

Тўғри, иқтисодий ўтишнинг яна бир мураккаб даврида яшаяпмиз. Ойлик маош учма-уч бўлаётгани, нарх-наво осмонга сапчиётгани ҳам чин. Лекин буларнинг барчаси бир кун ўтади. Муҳими, бу синовлардан муносиб ўтиш керак. Халқимиз ҳаёт мазмунининг ўқтомирлари бўлган қадриятларимизни, муқаддас тушунчаларимизни, миллий қиёфамизни сақлашимиз керак. Бунинг учун эса олдимизда битта йўл бор — маънавий бутунликка эришмай туриб, ахлоқимизни тузатмасдан тараққиётга эриша олмаймиз.

Биз ор-номусни барча нарсадан устун қўядиган халқмиз. Томирларимизда ўз ҳаёт мазмунини, аввало, орли-ғурурли яшашда, деб биладиган, орсизликдан кўра ўлимни афзал кўрадиган аждодларимиз қони оқмоқда. Фақат бу қон ўзини намоён қилиши керак. Суяк суриши керак.

Алишер Навоий айтадики, бу дунё — бир эски работ, умр ғанимат, вақт шамолдай учқур. Ҳаёт тонгини ғафлат босиб ҳам, фойдали иш билан ҳам ўтказиш мумкин. Шатранж доналари тартиб билан терилмас ва мақсад сари йўналтирилмас экан, уларнинг бир уюм ёғочдан фарқи йўқ. Бу сўзлар фақат сўзлигича қолмаслиги, амалга — ҳаётимизга кўчиши учун бор куч-имкониятимизни сафарбар қилишимиз лозим.

Андиша — миллий қадриятлар тизимининг ўзак тушунчаларидан бири. Андишани, ҳамиятни йўқотган кунимиз миллий қиёфамизни ҳам йўқотиб қўямиз. Бу эса миллий юксалиш нари турсин, миллат ва халқ сифатида яшаб қолиш учун ҳам жуда хавфли.

Бошқа йўлнинг ўзи йўқ. Ортга йўлнинг ўзи йўқ. Буларнинг барчаси эса бизни фақат ва фақат бир йўлга — буюк халқ сифатида ўзлигимизни намоён қилишга чорлайди.

Эзгу ниятда бошланган ишлар, албатта, хайрли бўлади.

Беҳзод НОРБОЕВ

Мустақиллик — менинг тақдиримда...

ВАТАННИ СЕВИШ ҲАМ БИР ИМТИҲОНДИР

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

ЎЗЛИГИМНИ БЕРДИ, ИСТИҚЛОЛ!



Нодир ЖОНУЗОҚ, шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари:

— Ўзбекистон мустақиллиқа эришган йили ўн беш яшар йигитча эдим.

Энди дунёқарашим шаклланаётган, оқ-қорани таниётган чоғимда бутун халқимизнинг ҳаётида ҳам оламшумул эврилиш юз бераётган, ҳатто соч-соқоли оқарган ҳамюртларимиз ҳам ўз хулосаларига қайтадан назар ташлаб, ҳаётий қарашларини таҳрир қилаётган палла эди. Ҳа, етмиш йил давомида олий ҳақиқат деб қаралган кўп тушунчаларнинг миси чиқиб, сохта экани маълум бўлиб қолганди. Бу ҳол шу ёлғон ақидаларга сидқидилдан ишониб умрини бағишлаган кимсаларни қандай қайғуга солган бўлса, мени —бўйинда қизил пионерлик галстуги ҳилпираб турган ўсмирни ҳам шунчалик ҳаяжонлантирар, ажабланти-рар, ўйга толдирарди.

Ва ниҳоят, жами ҳақиқат бор бўйи билан кўриниб, қизил империянинг асл башараси фош бўлгач, Ватан мустақиллиги нақадар улуғ ҳодиса эканини англаб етдим.

Кўпинча "Мустақиллик сизга нима берди?" деган саволга жавоб бераётган ҳамюртларимизнинг мулоҳазаларини тингларканман, хўш, бу саволга жавобан сен нима деган бўлардинг, дейман ўзимга.

Мустақиллик менга жуда кўп нарса берди.

Аввало, ёлғон-яшиқ, халқимизга бўҳтон саналувчи ғояларга ишониб умримни зое қилиш кулфатидан сақлаб қолди Озодлик.

Худо берган озгина истеъдодимни соцреализм ва бошқа алдамчи "...изм"ларга қурбон қилиш мажбуриятидан халос қилди Истиқлол.

Жонажон Ўзбекистонимизнинг машаққатли, аммо шарафли миллий тикланиш жараёнига гувоҳ бўлиш имконини туҳфа қилди Эркинлик.

Ватанимиз байроғининг халқаро майдонларда баланд ҳилпирашини кўриш бахтини берди Ҳуррият.

Юртимизда рўй бераётган шиддатли янгиланиш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқини ато қилди Мустақиллик.

Бир сўз билан айтганда, Ватан эрки шарофати билан "Ўзбекистон фуқароси" деган шарафга ноил бўлдим.

Янаям мухтасар айтадиган бўлсам, Мустақиллик менга Ўзимни, ўзлигимни берди.

1991. Бир жуфт 1 ва 9 сонидан иборат сана менинг, азиз халқимизнинг, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бутун курраи заминнинг тақдирини ўзгартириб юборди.

Эҳтимол, менинг бу ҳиссиётларимни XXI асрда туғилган, ҳўрлик эмас, ҳурлик муҳитида улғайган фарзандларим тўла идрок этолмас. Бунинг учун уларни айблamайман. Аксинча, улар менга ўхшаб миллатимизни оёқости қилишга фатво берган ва шахсан раҳнамолик қилган кимсанинг қиёфаси туширилган алвон юлдузчани тақмасликларини ўйлаб беҳад хурсанд бўламан.

Ҳа, шубҳасиз, буям Мустақилликнинг менга берган энг улуғ инъомларидан биридир...

НАВОЛАРДА ХАЛҚИМ МЕҲРИ ЖЎШ УРАР...



Замира СУЮНОВА, Ўзбекистон халқ артисти:

— Қайси юртда тинчлик, тотувлик бўлса, қўшиқлар қўшиқларга уланади, фарахбахш тонгларида яллалар, тунлари қучоғида аллалар янграйди. Озод ўлканинг ораста кўчаларида ёр-ёрлар садоси жаранглайди. Санъатни севадиган, уни ардоқлайдиган элнинг санъаткор фарзандиман. Қўшиқ илҳоми халқим меҳри ила жўш уради.

Истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб давлатимиз санъатга юксак эътибор қаратди. Бунинг самарасида йилдан-йилга янги-янги истеъдодлар кашф этилаётир. Бир неча йилдан буён Ўзбекистон давлат консерваториясида талабаларга дарс бериб келаман. Республикамизнинг турли ҳудудларидан санъат илмини эгаллаш мақсадида келган ёшларнинг истеъдоди, изланувчанлиги мени қувонтиради. Уларнинг жарангдор овози бугун дунё саҳналарида ўзбек қўшиқчилик санъатининг салоҳияти қандай кучга эга эканлигини намоён этмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ўзбек миллий мақом санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, уни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ёш авлод қалбида миллий мумтоз санъатимизга ҳурмат ва эътибор туйғуларини камол топтириш, турли халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтириш йўлидаги дадил қадамдир. Илк бора ўтказилаётган Халқаро мақом санъати анжуманига тайёргарлик жараёни қизғин кечмоқда. Халқимизнинг севимли санъаткорлари Маҳмуджон Тожибоев, Матлуба Дадабоева, Муножот Йўлчиева қаторида мен ҳам мана шу нуфузли анжуманда иштирок этиш имконига эга бўлмоқдаман.

Ўзбек аёли ва она сифатида санъатни ардоқлаган халқимнинг истиқлоли бардавом бўлаверсин дейман. Биз санъаткорлар эса ундан илҳомланиб янги ижод намуналарини яратиш йўлида ҳеч ҳам чарчамайлик.

"ГИЛАМ СОТСАНГ ҚЎШНИНГГА СОТ..."



Шавкат ТЎРАЕВ, фалсафа фанлар номзоди, доцент:

— "Қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, биз қурган иморатларга боқинг..." Неча асрлар илгари айтилган Соҳибқирон Амир Термурнинг ушбу сўзлари бугун ҳам янада жозибадор, янада фусункор тарзда бўй кўрсатаётгандек, назаримда. Юртимиздаги ўзгаришлар, туб ислоҳотлар унда илм ва фаннинг ривож топаётгани натижасидир. Бугун мустақиллик тенгдошлари орасида фалсафа доктори, фан доктори илмий даражасига эга ёшлар кўпайиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Меҳр-оқибат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик азалдан халқимизга хос хусусият. Шу боис, айниқса, сўнгги йилларда юртимизда яхши қўшничилик муносабатларини йўлга қўйиш, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатни амалга ошириш устувор йўналишларидан бирига айланди.

Айниқса Марказий Осиё минтақасида стратегик ва трансчегаравий имкониятларга эга мамлакат ҳисобланмиш Афғонистон билан мустаҳкам алоқаларнинг йўлга қўйилиши ташқи сиёсатдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Шунингдек, ён қўшниларимиз — Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон каби давлатлар билан чегараларнинг очилиши, минг йиллар мобайнида муҳим аҳамиятга эга бўлган дўстона муносабатларнинг тикланишини минтақа халқлари шоду хуррамлик билан қарши олди.

Маданиятлари, қадриятлари, дини бир-бирига яқин ва бир бўлган халқларнинг дўстлашуви фойдадан холи бўлмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтириш шарт эмас. Халқлар бирлашса, бир-бири билан дўстона алоқаларни йўлга қўйса, минтақада тинчлик-осойишталик ва барқарор таъминланиши тайин.

Бинобарин, тинчлик ва хотиржамликда ижод ва меҳнат қилаётган, бутун инсониятга фақат ва фақат яхшилик, фаровонлик тилаётган миллатга фақат байрамлар ярашади.

ЗАР ҚАДРИНИ ЗАРГАР БИЛАР...



Алишер ОРТИҚОВ, халқаро тоифадаги ҳакам, "Шуҳрат" медали соҳиби:

— Мамлакатни ҳеч нарса спортчалик тез дунёга танита олмайди, дейишади. Дарҳақиқат, бугун юртимизда кўплаб соҳалар қатори спортга эътибор кундан кунга ортиб бормоқда. Унинг натижаси эса ўзбек спортчиларининг дунё мусобақаларида юқори поғоналарни эгаллаётганида яққол намоён бўлмоқда. Шу йил Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ташкил этилиши, спортнинг ҳар бир турига алоҳида эътибор қаратиш юзасидан белгиланган вазифалар мамлакатимизда ушбу соҳа тараққиёти учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Биласизми, спорт турлари орасида шашка инсондан ақлий етукликни, дадил ва тез фикрлашни, қатъият ва иродани талаб қилади. Шу сабаб бу спорт турига болалигимдан меҳрим ўзгача ва бир неча йилдан буён ушбу спорт тури билан шуғулланиб келаман. Ўз интилишим ва юртимизда яратилган имкониятлар натижаси ўлароқ бу қизиқишим улкан марралар сари етаклади. 8 марта Осиё чемпиони, 26 марта Ўзбекистон чемпиони бўлдим. 2015 йилда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози" ҳамда халқаро гроссмейстер унвонига лойиқ топилдим.

Эътибор ва эътироф инсонга ҳар доим куч-қувват бағишлайди. Шу боис ёш авлодга ақлни чархлаш машқларидан бири — шашка спорт турининг сир-синоатларини ўргатишни елкамдаги масъулият деб билдим ва уни адо этиш йўлида тинмай ҳаракат қилиб келмоқдаман. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида мана шу спорт турини ҳаётининг мазмуни деб биладиган, иқтидорли ёшлар талайгина. Жумладан, Сирдарё вилоятида ҳам келажагини спортсиз тасаввур қила олмайдиган ёшлар жуда кўп. Фахр билан айта оламанки, шогирдларимдан Сайёра Йўлдошева, Самандар Калонов халқаро гроссмейстер ҳамда Шаҳзода Турсунмуродова, Васфия Бердиқулова, Мухлиса Толибжонова эса ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, йигирмага яқин шогирдларим жаҳон ва Осиё чемпионатларида совриндорлар сафидан ўрин олишди.

"Milliy tiklanish" мухбири Дилфуза МАҲКАМОВА суҳбатлашди.

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ



Ўзбекистон халқини муборак айём —
Қурбон ҳайити
билан самимий қутлайди.

Хонадонингиздан тинчлик-хотиржамлик,
файзу барокат аримасин.
Мамлакатимиз ривожи йўлида
камарбаста бўлишда ҳар бирингизга
соғлик-саломатлик, куч-қувват тилаймиз.




БАЙРАМ МУБОРАК!

Маҳсулот сертификатланган

Бизнинг шарх

ЭНГ ОММАВИЙ ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚ

FACEBOOKНИНГ ЯРАЛИШ ТАРИХИ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА



"Инсон билимли, барча зарур сифатларга эга бўлса-ю, ўзига ишонмаса, қобилиятини тўлиқ намоён эта олмайди", деган эди Facebook ижтимоий тармоғи асосчиси Марк Цукерберг.

Юқоридаги фикрни аслида унинг ўзига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Сабаби Цукерберг — билими, қобилияти ҳамда ўзига бўлган ишончига таяниб компьютер технологиялари соҳасида юксак чўққиларни забт эта олган дастурчи. Бугун у дунёдаги энг ёш миллиардер, у асос солган Facebook эса энг оммавий ижтимоий тармоқлардан биридир.

ЙЎЛАКДА ТУҒИЛГАН ҒОЯ

Марк Цукерберг 1984 йил 14 май куни АҚШнинг Уайт-Плейнс шаҳрида туғилган. Отаси Эдвард Цукерберг тиш шифокори, онаси Карен Цукерберг эса руҳшуносдир. Оиладаги ягона ўғил (бир опаси ва икки сингласи бор) Марк болалик йилларидаёқ компьютер технологиялари ва информатика фанига меҳр қўйди. Мактаб даврларидан бошлаб компьютерни дастурлаш билаш шуғулланиб, "Таваккал" номли ўйиннинг тармоқ намунасини ишлаб чиқди.

Марк 2002 йилда Гарвард университетининг психология факультетига ўқишга киради. 2003 йилда иккинчи курсга қадам қўйиши билан университетнинг ётоқхонасига жойлашади. Бу ерга ўзи билан узунлиги 2,5 метрлик оқ доска олиб келиб, ётоқхона йўлагидаги бўш деворга илиб қўяди. Цукерберг йўлакда туриб, доскага маркер билан қандайдир схемалар чизар, шундан сўнг унинг устида нималарнидир мушоҳада қиларди.

"Доскада ёзиш чиндан ҳам унинг ёқимли машғулоти эди. У ҳар доим ўз ғояларини турли мураккаб чизмаларда акс эттиришни хуш кўрар эди", деб ўша пайтларни эсга олади Марknинг хонадош дўсти, Facebook асосчиларидан бири Дастин Московиц.

У миясига келган ғояларни ана шу доскада акс эттириб, уни таҳлил қиларди. Марknинг асосий ғоялари Интернет-сервислари билан боғлиқ эди. Бошқа пайтда кўп вақтини компьютерда ишлаб ўтказарди. Ана шу изланишлар самараси ўлароқ, иккинчи курслигидаёқ Интернет дастурини ишлаб чиқиб, уни "Course Match" деб номлайди.

МЕҲНАТ ВА ИЗЛАНИШ МЕВАСИ

Гарвард университетида олиб борилган изланишлар ўз самарасини бермай қўймади. Марк Цукерберг 2004 йилнинг 4 февралида thefacebook.com сайтини яратади. Бунда унга университетдаги маслакдош дўстлари Дастин Московиц, Крис Хьюз, Эдуардо Саверин яқиндан ёрдам беришди. Ижтимоий сайтнинг саҳифасида шундай ёзилган эди: *"Thefacebook" коллеждаги ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларини бирлаштирувчи онлайн-каталог бўлиб, Гарвард университетининг талабалари ундан фойдаланишлари мумкин. Сиз ундан синфдошлар, курсдошларни излаб топиш, ўртоқларингизнинг дўстлари рўйхати билан танишишингиз мумкин"*.

Дастлаб веб-сайтдан Гарвард университети талабалари фойдаланиш имкониятига эга бўлган бўлса, кейинчалик Бостондаги бошқа ўқув юртлари талабалари ҳам унга уланишди. Бироз фурсатдан сўнг *.edu* доменида ўз электрон манзилига эга АҚШнинг бошқа ўқув юртлари талабалари ҳам ундан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Thefacebook сервиси шунчаки танишув сайти эмас эди. Уни ташкил этишдан мақсад Интернет орқали талабалар ўртасидаги мулоқот муҳитини яратиш, яқин инсонларнинг бир-бирларини излаб топиши ва ўзаро алоқа ўрнатишига шароит яратишдан иборат эди.

Учта синов аккаунтидан сўнг Цукерберг ҳам Facebookда ўзининг саҳифасини очади. Кейин унинг ётоқхонадаги дўстлари ҳам бирин-кетин ўз аккаунтларини рўйхатдан ўтказишди. Унинг дўстларидан бири Эндрю Макколлум сайт логотипини ишлаб чиқди. Thefacebook тобора оммалашиб бораверди. Маркнинг хонадошлари электрон почта орқали ўз дўстлари ва яқинларига "Thefacebook"ка қўшилиш таклифларини жўнатиб, унинг аъзолари сонини ошириб боришди. Сайт борган сари оммалаша бошлади. Ижтимоий тармоқ ишга туширилганидан тўрт кун ўтиб, унинг рўйхатидан ўтган талабалар сони 650 нафарга етди. Талабалар қаерда бўлмасин, фақат Thefacebook ҳақида гаплашадиган, ундан олган таассуротларини ўртоқлашадиган бўлишди. Марк мазкур ижтимоий тармоқнинг яратилиши ҳақида шундай дейди: *"Биз Гарвард ҳақидаги янгиликларни бўлишишни хоҳловчиларга кўмаклашиш мақсадида ушбу лойиҳага қўл урдик. Бу орқали ҳар ким университетдаги исталган талаба ҳақида маълумот олиш, ўз навбатида, ўзи муҳим ҳисоблаган ҳар қандай янгиликни яқин инсонларига етказиш имкониятига эга бўлди"*.

Сайтдан фойдаланиш учун шахсий саҳифа очиш, сурат ҳамда ўзи ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш талаб этилар, унга телефон рақами ҳамда электрон манзилни киритиш имконияти ҳам мавжуд эди.

Марк Интернет орқали сайт хостинги хизматларини кўрсатадиган Manage.com компаниясини излаб топади. Ва сервердаги Thefacebook хостинги учун ҳар ой кредит карта орқали 85 минг доллар тўловни амалга ошириш ҳисобига уни тўлақонли ижтимоий тармоққа айлантиради. Ижтимоий сайт Thefacebook.com деб номланди. Унга сайтнинг маълумотлари ва дастурий таъминоти билан боғлиқ маълумотлар ҳам киритилди. Энди сайт университетнинг www.harvard.edu тармоғининг бир қисми эмас, мустақил сайтга айланганди. 2004 йил март ойининг охирида ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари сони 30 минг нафарга етди. 2004 йил май ойи охирида 34 ўқув муассасаси ҳамда 100 мингдан зиёд фойдаланувчи Thefacebookka уланди.

Thefacebookнинг жуда тез фурсатда оммалашишига унинг университетда яратилгани ҳам сабаб бўлди, дейиш мумкин. Чунки ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчиларнинг асосий қисмини ўқув юртларидаги талабалар ташкил этади. Айнан улар бундай мулоқотларга кўпроқ эҳтиёж сезадилар.

Бу орада Марк курсдоши Эдуардо Саверин билан ҳамкорлик ўрнатишга қарор қилади. Эдуардо бразилиялик бизнес-магнатнинг ўғли, гарчи ёш бўлса-да, бизнес лойиҳалар бўйича анча тажриба тўплаган тадбиркор эди. Икки дўст мазкур лойиҳа учун минг доллардан маблағ ажратишга келишиб олади.

2004 йилнинг апрелида, сайтнинг ишга тушганидан икки ой ўтиб, бизнес менежер Саверин Thefacebookни тижорат ташкилоти, ўзини бош молия директори деб эълон қилди. У компанияни Флорида штатида масъулияти чекланган жамияти шаклида рўйхатдан ўтказди. Шу тариқа Цукербергга ва унинг дўстлари саъй-ҳаракатлари билан Facebook Inc. компаниясига асос солинди. 2004 йилнинг июнь ойида тадбиркорлардан бири Цукербергга компанияни 10 миллион доллар эвазига сотишни таклиф этади. Ўшанда Thefacebookнинг ташкил этилганига атиги тўрт ой бўлган эди. Цукерберг ўйлаб ҳам ўтирмай бу таклифни рад этади.

2004 йилнинг июнида сайт бизнес-менежери Саверин банк ҳисоб-рақамини очиб, компаниянинг айланма маблағи сифатида унга 10 минг доллар сармоя киритди. Кейинчалик компания сайтига рекламалар жойлаштириш ҳисобига катта фойда кўра бошлайди. 2005 йилда компания facebook.com доменини 200 минг долларга сотиб олгач, компания номланишидаги The артиклидан воз кечилади.

УДДАБУРОНЛИК ВА МАҚСАДНИНГ ЎЗИ ЕТАРЛИ ЭМАС...

Дэвид Киркпатрикнинг "Ижтимоий тармоқ: Facebook асосчиси қандай қилиб тўрт миллиард ишлаб топиб, 500 миллион дўстга эга бўлди?" деб номланган китобида айтилишича, Цукерберг бир қарашда одамларда камгап, тортинчоқ одамдек таассурот уйғотади. Бу аслида алдамчи ҳолат. Агар у бирор нарса ҳақида гапирса, юзлари ёришиб, кўзлари чақнаб кетади. Даврада одамлар гапини тугатмагунча индамай ўтираверади.Чунки у аввал одамларни кузатади. Борди-ю, кимнингдир фикри унда қизиқиш уйғота олса, беихтиёр суҳбатга қўшилиб, ҳаммани ўзига қаратади.



Марк билимли ва тасаввури кенг инсон. У мактаб даврида математика, астрономия, физика фанлари бўйича олимпиадаларда совринли ўринларни қўлга киритган. Цукерберг спортга ҳам ниҳоятда қизиқади. Университетнинг қиличбозлар жамоаси сардори ҳамда энг яхши иштирокчилардан бўлган. У француз, қадимий юнон, иврит, лотин тилларида яхши гапириб, ёза олган.

Цукерберг ҳамиша ўз олдига юксак мақсадлар қўйиб яшайди: *"Деярли ҳар куни қўлимдан келадиган энг муҳим ишни қила оляпманми?, деган саволни ўз-ўзимга бериб кўраман. Агар бирорта жўяли муаммо устида ишласамгина сарфлаган вақтимдан қониқиш ҳосил қиламан"*.

Марк ҳамиша ўзини янги ишда синаб кўришни истайдиган, бу йўлда тўсиқларни четлаб ўтадиган даражада иродали инсон. Бу ҳақда Москович шундай дейди: *"Уддабуронлик ва мақсаднинг ўзи муваффақиятнинг калити бўла олмайди. Бу ерда омаднинг ҳам ўрни бор. Марк билан ана шу учта нарса ҳамиша ҳамроҳ. У ҳар доим керакли вақтда, керакли жойда ҳозир бўлган. Миясига яхши ғоя келиб қолса, уни амалга оширишга интилган. Агар унинг ўрнида бошқа киши бўлганида аввал университетни тамомлаш ҳақида ўйлаган бўлармиди..."*.

ИККИ МИЛЛИАРДАН ЗИЁД ФОЙДАЛАНУВЧИ

Facebook.com дунёдаги энг бой компаниялардан саналади. Ўтган йили компания 15,9 миллион соф фойда кўрди. Facebook Inc. компаниясига тегишли Facebook.com шахсий фотосурат ҳамда маълумотларга эга профиль очиш, одамлар билан дўстлашиш, улар билан хабар ва маълумот алмашиш, ўзининг ва ўзганинг саҳифасида хабар қолдириш имконини берувчи энг оммавий ижтимоий сайтлардан саналади. У дунёдаги энг кўп фойдаланиладиган бешта етакчи веб-сайтлардан биридир. Ўтган йилнинг июнь ойи ҳолатига кўра, ижтимоий тармоқ 2 миллиарддан зиёд фойдаланувчига эга. Бир ойда 1,03 миллиарддан зиёд киши Facebookнинг мобиль иловасидан фойдаланмоқда. Ҳар куни ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари ўртача 6 миллиард "like" (ёқди) босиб, бирор-бир воқеликка нисбатан ўз муносабатини билдиради. Бир кунда сайтга ўртача 300 миллионта расм жойлаштирилади. Facebook Inc. компанияси оммавий сервислар — Instagram, WhatsApp ва эгалик қилади. Компания бош офиси АҚШнинг Менло-Парк шаҳрида жойлашган. Марк Цукерберг компания Президенти ҳамда Бош директори лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Цукерберг дунёдаги энг бой инсонлар рўйхатида Жефф Безос ҳамда Билл Гейтсдан сўнг учинчи ўринни эгаллаган. Унинг умумий бойлиги 81,6 миллиард долларни ташкил этмоқда.

"Энг катта таваккал — ҳеч қандай таваккалга қўл урмаслик. Дунёда ҳамма нарса шиддат билан ўзгармоқда. Шундай шароитда таваккал қилмаслик омадсизликка сабаб бўлади", дейди Цукерберг.


Марк Цукерберг таваккалдан қўрқмайди. Акс ҳолда, у Facebookнинг келажаги ва равнақи учун дунёдаги энг нуфузли олий ўқув юрти — Гарвард университетидаги ўқишини ташлаб кетмаган бўларди: *"Facebook" — катта тажриба мактаби. Бироқ мен коллежни тўлиқ ўқиб тугатмаганимга афсусланаман. Чунки у билимингни бойитади, дунёни кашф этишингга йўл очади"*, деган эди Марк ҳаётида йўл қўйган катта таваккал ҳақида. Шунга қарамай, ўтган йили, яъни орадан ўн икки йил ўтиб унга Гарвард университетининг фахрий доктори дипломи топширилди. У ўзининг Facebook ҳамда Instagramдаги саҳифасига диплом билан тушган суратини жойлади ва тагига *"Ойи, мен ўқишга қайтиб, барибир дипломимни оламан, деб айтмаганмидим сизга?!"* деб изоҳ қолдирди.

Халқимизда *"Бир нарсадан кечмасанг, бошқа бир нарсага эриша олмайсан"*, деган нақл бор. Балки шу таваккал бўлмаганида эди, Марк Цукерберг бугун бундай муваффақиятларга эришмаган, дунёдаги энг ёш миллиардерга айланмаган бўлармиди?..

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
шарҳловчи

Дунёдан дарақлар

ДУНЁДАГИ ЭНГ КУЧЛИ СУПЕРКОМПЬЮТЕР



АҚШнинг "Оук Риж" миллий лабораторияси дунёдаги энг кучли суперкомпьютерни ишга туширди, деб хабар тарқатган "rbc.ru".

У "Суммит" деб номланиб, ишлаш тезлиги 200 петафлопс — бир сонияда 200 минг триллион амалиётни бажара олиш имкониятига эга. АҚШ бу билан энг кучли суперкомпьютерлар рейтингида биринчи ўринга чиқиб олди. Рейтингда бунга қадар биринчи ўринда Хитойнинг "Sunway TaihuLight" суперкомпьютери турар эди. Унинг иш қуввати 93 петафлопсни ташкил этади.

— "Суммит" суперкомпьютерининг ишга туширилиши АҚШ илмий инновация ва технологияларни ривожлантириш соҳасида етакчи ўрин эгаллашини намойиш этади. Бу, айниқса, энергетика, илмий кашфиётлар, иқтисодий рақобатбардошлик ҳамда миллий хавфсизлик соҳаларидаги тадқиқотларга катта таъсир кўрсатади", дейди АҚШ энергетика вазири Рик Перри.

ЭСКИ АВТОМОБИЛЬ РЕКОРД НАРХДА СОТИЛДИ



1963 йилда ишлаб чиқарилган "Ferrari 250 GTO" пойга автомобили 70 миллион долларга сотилди. Автомобилни машиналар учун гиламчалар ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган WeatherTech компанияси эгаси, коллекционер Дэвид Макнил харид қилди, дейилади "ufacitynews.ru" сайтида.

Машина учун таклиф қилинган нарх рекорд сумма ҳисобланади. Аввалги рекорд ҳам "Ferrari" спорткарига тегишли бўлиб, 1963 йилда ишлаб чиқарилган машина 2013 йилда 52 миллион долларга сотилганди.

70 миллион долларга сотилган машина ўз тарихига эга бўлиб, у 1964 йилдаги "Tour de France" пойгасида ғолиб чиққан. Машина кўплаб пойгаларда муваффақиятли иштирок этганига қарамай, бирор марта ҳам ҳалокатга учрамаган ва аъло кўринишда сақланиб қолган. Машинадан 1962-1964 йилларда 36 дона ишлаб чиқарилган.

АҚШлик модельер Ральф Лорен, канадалик сармоядор Лоуренс Стролл ва Walmart компанияси корисларидан бири Робсон Уолтон ана шундай спорткарлар коллекцияси билан шуғулланади. Мутахассислар башоратига кўра, сотилган машинанинг нархи яқин йилларда 100 миллион долларгача кўтарилиши мумкин.


Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Ковун сайли

"ГУРВАК — ХОРАЗМ ҚОВУНЧИЛИГИ РАМЗИ"

ҚОВУН САЙЛИНИ БИР КУНДА ЮЗДАН ЗИЁД САЙЁҲ КЕЛИБ КЎРДИ

Тилими тилни ёрар Хоразм қовунлари бутун дунёга машҳур. Илгари Хоразмда қовуннинг 400дан ортиқ маҳаллий навлари етиштирилган бўлса, бугун уларнинг қарийб 130 тури сақланиб қолган. Шулардан келиб чиққан ҳолда вилоятда қовунларнинг йўқолиб бораётган навларини қайта тиклаш, экспортбоп ва қанд миқдори юқори бўлган навдор уруғларни етиштириш ҳамда илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда.



Айни пайтда Хоразмда қовунлар ғарқ пишган. Полизда тарнак, гурвак, ширин печак, жийда япроқ, оқ новвот каби қовунларнинг ҳиди уфураётган палла. Шу муносабат билан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган қовун сайли соҳадаги илғор тажрибаларни оммалаштириш, асл навларни тиклашнинг муҳим омили саналади. Бу йил ҳам очиқ осмон остидаги музей шаҳар — Хивада ташкил этилган қовун сайлида уларнинг ифори воҳага ташриф буюрган барча сайёҳларни ўзига чорлади. Айниқса, гурвакдан бир тилим еган хорижлик меҳмон яна бир бор Хоразмга келиши аниқ.

— Хоразмга, Хива шаҳрига илк ташрифим, таассуротларим бир олам, — дейди эронлик сайёҳ Иброҳим Парвез. — Кўҳна шаҳарнинг обидалари биздаги тарихий шаҳарларга қайсидир жиҳатлари билан ўхшаш. Ёдгорликлар тепасидаги ёзувлар шаҳарсозликнинг шарқона услубига ҳамоҳанг. Ўтказилаётган қовун сайлидаги бетакрор қадриятлар, анъаналар уйғунлиги ҳар қандай меҳмоннинг диққатини жалб этади. Халқингизнинг ўзига хос меҳмоннавозлиги менга манзур бўлди. Бу ерда бизникига ўхшаш қовунларни ҳам учратдим, аммо гурвакнинг ҳиди ва таъмини бошқасига қиёслаб бўлмайди.

Бундан икки аср муқаддам қурилган Ота дарвоза Ичан қалъанинг ғарбий эшиги саналади. Хоразмда, жумладан, Хивада туризмни ривожлантириш дастурига асосан Ота дарвоза олдидаги катта майдон ҳам янгидан таъмирланди. Вилоятнинг барча туманидан келган деҳқонлар, фермер хўжаликлари полиз ва мева маҳсулотларидан иборат кўргазмаларини шу ерда намойиш этишди. Боғотлик Шодурди Қарриев раҳбарлигидаги "Жумадурди қовунлари" фермер хўжалиги аъзолари ўз кўргазмасини ўндан ортиқ қовун турларидан ташкил қилган. Айниқса, 50 килограммлик қовоқ олдида суратга тушувчиларнинг кети узилмади.

Шовотлик соҳибкор, тажрибали деҳқон Рўзимбой Отажонов ҳам қовун сайлининг фаол иштирокчиси сифатида қатнашди.

— Ушбу сайлнинг ўтказилиши, энг аввало, деҳқонларнинг бир-бири билан фикр, тажриба алмашиши учун қулай имкон ва майдон, қолаверса, бу туризм ривожида ҳам муҳим аҳамият касб этади, — дейди Р.Отажонов. — Эътибор берсам, кўргазмага юздан ортиқ хорижий сайёҳ ташриф буюрди. Уларнинг қовунларимиздан татиб кўриб, берган баҳоларини чеҳраларидаги хурсандчилик акс эттириб турибди. Тадбирнинг анъанавийлик касб этгани эса олимлардан тортиб биз деҳқонларгача қовунларнинг йўқолиб бораётган ҳамда янги экспортбоп навларини яратиш ва етиштиришда масъулият юклайди. Хоразм тупроғи, қуёш нури ва Амударё суви қовунчиликда муҳим аҳамият касб этади. Буни нимадан билиш мумкин? Бошқа вилоятларда етиштириладиган қовун турлари, масалан, бўрикалла, торпеда навларини экиб кўрдик, уларнинг қандлилик даражаси жуда юқори бўлди.

Урганч туманидаги "Хоразм қовунлари" МЧЖ корхонаси ўтган йиллардаги сайлларда қовун мураббоси ва музқаймоғи билан иштирок этган эди. Бу йилги тадбирда маҳсулотлар тури кўпайган. Энди корхонада тарвуз, анор шарбатлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 70 минг долларлик анор, 27 минг долларлик тарвуз шарбати Жанубий Кореяга экспорт қилинди. Яна 100 минг долларлик тарвуз шарбати чиройли ва сифатли қадоқланган ҳолда чет элга сотишга тайёрланмоқда. Йигирма нафар ёшлар меҳнат қилаётган корхона замонавий технологиялар билан модернизация қилинганлиги ана шундай имкониятлар эшигини очмоқда.

Қадим Хоразм заминида қовун сайлини ўтказишдан асосий мақсад — бобомерос анъаналарни муносиб давом эттириш, воҳа тупроқ ва иқлим шароитига мос ва хос навларни яратиш, уни қайта ишлаш технологияларини жорий этиш ҳамда экспортга йўналтириш, шунингдек, гастрономик туризмни ривожлантиришдан иборат. Жумладан, ўтган йилнинг шу даврида Хивага дунёнинг турли бурчакларидан 19 мингга яқин сайёҳ ташриф буюрган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 27 мингдан ортди. Тинч, осойишта юртдаги бундай меҳмондўстликни юракдан ҳис этган ва халқ сайлининг бевосита иштирокчиси бўлган франциялик сайёҳ Эба Шоҳез ўз таассуротларини тўлқинланиб сўзлайди:

— Бундай бетакрор сайлда илк бор иштирок этишим. Мен Франциянинг жанубида яшайман. Бизда ҳам қовуннинг турли навлари бор, лекин уларни юртингиз қовунлари билан солиштириб бўлмайди. Мевалар ҳам ўзига хос, ширин ва тотли. Шуларга ҳамоҳанг ҳунармандлар, усталар кўргазмаси, фольклор жамоаларининг дастурлари ажойиб кайфият улашмоқда.

— Ўзбекистонга оиламиз билан саёҳатга келдик, — дейди япониялик Лейко Саито. — Хивага келиб ўзимизни эртаклар оламига тушиб қолгандек ҳис этдик. Хилма-хил қовунлар, уларнинг ширин таъми бир умрга татийдиган бўлди. Айниқса, биз билан келган неварамнинг қувончи чексиз...

Эрталабдан бошланган қовун сайли то кечга қадар давом этди. Тадбир якунида оқшом пайти Ичанқалъа музей-қўриқхонасининг Кўҳна арк мажмуасида галаконцерт уюштирилди. Дастур давомида қовун сайлида фаол қатнашган, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ва инновацион янгиликларни жорий этган деҳқон ва фермерлар, корхоналар турли номинациялар бўйича тақдирланди. Ранг-баранг чироқлар шуъласи, санъаткорларнинг куй-қўшиқлари, театрлаштирилган томошалар, фольклор жамоаларнинг чиқишлари барчага манзур бўлди. Буларнинг барчаси, айниқса, хорижлик меҳмонларда катта таассурот қолдиргани шубҳасиз.

Азамат САФАР,
"Milliy tiklanish" мухбири

Хиёбон

“АДАБИЁТНИНГ ОНАСИ — ФАРОСАТ...”

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ЎРОЗБОЙ АБДУРАҲМОНОВ БИЛАН СУҲБАТ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ҳозир ажойиб даврнинг бир поғонасида турибмиз. Мустақиллик аталмиш халқимизнинг кечаги оммавий хурсандчилик даврида туғилиб етилган янги авлоди елкасига, энди аста-секин тақдир ва турмуш салмоғи туша бошлайди. Давр юкларини орқалаб, дунё кезиб, денгизини саҳрога айлантириб чарчаган ишлар давомини, бувасининг донолигини ўзига сингдириб, отасидан ҳам ақлли бўлиб чиққан неваралар олиб кетаверадигани ҳам шундан. Шунинг учун ҳам бизда авлод алмашувлари осон кечади. Лекин, ҳарқалай, Эшқобил Шукур айтганидек, “бола болалиги билан яшагани” маъқул. Биз эса ўрнак бўлишимиз керак. Агар уларга баландпарвозликни ёдлатиб, булбулигўё қилаверсак, келажакка ёлғонни ўрнак — мерос қолдирган бўлиб қоламиз. Бу гўёки ўзи доимо маст юрувчи одамнинг ароқнинг таъмини тотган ўғлига “ичмагин, бу зарар” деган гапига ўхшаб қолади. Сўнгра “э, бу ёлғончи дунё”, деб ўксинишдан нима фойда?

Бир томондан, бизнинг тамаддундан сал чеккароқ яшаганимизни афзаллик деб ҳам ўйлаш мумкин. Сабаби, халқ ўз оммасида самимийлигини сақлаб қолган. Лекин, шу самимийликни анқовлик деб тушуниб устимиздан куладиганлар ва ҳар хил найранглар билан чалғитишга ҳаракат қиладиганлар ҳам йўқ эмас. Аммо улар янглишади. Самимийлик билан анқовликнинг чегараси осмон билан ердек. Бу дунё самимий доноликнинг ҳисобидан умр сураётгани маълум. Сўнгги икки йиллик ҳаётимиз бунинг тасдиғи.

1946 йили ёзилиб, қарийб қирқ йил кейин бўлган воқеаларни акс эттирган Жорж Оруэллнинг “1984” романини кўринг. Тамаддунлар айқаш-уйқаш (доимий кураш)ида инсон тақдири қандай кечиши мумкинлиги ёзилган унда. Замонавий фирғавнчилик, фикрни калласи билан узиб ташлаш, ҳатто ўтмишни ҳам бугунги кун ғоялари билан ўзгартириш йўллари, бир тўда раҳбариятнинг бўлмағур мақсадларини оқлайдиган баландпарвозликларни миллионлаб тиражларда қайта-қайта тузатиб чоп этиш орқали оммага сингдириш ва шундай вазиятда инсоннинг шахсий тақдири қандай синдирилгани тўғрисида бу роман. Мен уни ўтган асрнинг худди ўша 1984 йили яна бир бор қайта ўқиб, ёзувчининг ҳаққоний кўра олганига ҳайронлар қолганман.

— Маълумки, бадиий адабиёт ҳар бир халқнинг яшаш тарзи, турмуш шароити ва, энг муҳими, унинг қалбини тасвирлаб бериши билан аҳамиятли. Ўрозбой ака, айтинг-чи, юқорида сўз юритганимиз — кишилар маънавий ҳаётидаги янгиланишлар бугунги қорақалпоқ адабиётида қанчалик акс этмоқда?

— Қорақалпоқлар замонавий ёзув услубини сал кечроқ эндирган халқлар сирасига киради. У ўз тарихини қумлар билан сувларга ёзиб, ёзганларини давр чанг-тўзонлари босиб, саҳро довуллари учириб, лойдан қурган иморатларининг қолдиқларига ғурурланиб яшайдиган халқ. Унинг буюк тарихи асрлар орасидан эсон-омон қолган тили, авлоддан авлодга ўтиб келаётган урф-одатлари, оғзаки ижоди ва қадимшунослар қум орасини қазиб топаётган эски қалъалардаги қилич ва мунчоқларида яхшироқ сақланган. Биз ялпи умумий маҳсулотни ҳисоблагандек, халқнинг оғзаки ижодини санаб кўрсак, жон бошига энг кўп достон, афсона-ю эртак, нақл-мақол ва термалардан туғро келадиган халқмиз.

Шоир, жиров, бахши, қиссахон ижодлари орқали поэтик меросимиз қадимийроқ илдизга эга. Гарчи эртакларимиз авлоддан авлодга оғзаки ўтиб келган бўлса ҳам, том маънодаги насрчилик бизда асосан XX асрда бошланган. Насримиз ривожида Нажим Давқараев, Мирзағали Дарибоев, Асан Бегимов, Жўлмирза Оймурзаев, Отеген Айжанов, Тўлепберген Қаипбергенов, Караматдин Султанов, Човдирбой Сейтов, Узоқбой Пиржоновнинг алоҳида ўрни бор. Айниқса, тарихий романлари билан замонавий қиссалари жаҳонга машҳур оқсоқолимиз Тўлепберген Қаипбергенов ижоди орқали насрчиликда бошқа адабиётлар тажрибасидаги (икки минг йилдан зиёд тарихга эга грек, япон, хитой насрчилиги билан таққослаганда) поғоналарга биз атиги бир авлод даврида эришдик. Ахир Тўлепберген оғага Ўзбекистон Қаҳрамони унвони бежиз берилмаган.

Бугунги қорақалпоқ адабиёти барча жанрларда ривожланишга бел боғлаяпти. Айниқса, етакчи жанримиз назмда умидли ёшлар кўринаяпти. Яқинда ижтимоий тармоқларда Алиш Утемуратов деган бир боланинг иккита шеърини ўқиб қолдим. Унинг дастлабки қадамлариданоқ шоирона жўшқин, оддий ва равон тил, энг муҳими, халқнинг кўнглидаги “қитиғини” келтирадиган ҳислар сезилади. Ёшларни юзма-юз танимайман. Бу шарт ҳам эмас, лекин ёзганларини кўриб, эртанги адабиётимизга умидим ортади...

Халқимизнинг ўзи шоиртабиатли. Айниқса, муҳаббат ёшида шеър ёзмаган ким бор, десак ҳам бўлади. Жилла қурса, яхши кўрган қизига янада яхшироқ кўриниш учун кўпчилиги шеър ёзишга, ўқишга ёки баралла овози билан ашула айтишга ҳаракат қилади. Уйлангандан сўнг эса... жим-жит. Бизнинг давримизда ҳам шундай бўлган. Лекин ёшларимизга ота-боболаримиздан қолган “етти ўлчаб, бир кес”, деган ажойиб бир доноликни эслатмоқчиман. Бу, ёзишга қўлингизга метр олиб киришиш шарт дегани эмас, сал ўйланқираб ёзишни назарда тутаяпман. Фикрламасдан ёзаверадиганлар кўпайиб кетди, демоқчиман, холос. Шоирликни обрў санаб, адабиётдан манфаат ахтариш яхши эмас. Яхши нарса ёзсангиз, обрўнинг ўзи сизни излаб топади. Ёш шоирларнинг қулоғига олтин исирға: шеъриятнинг отаси ҳиссиёт бўлгани билан, онаси фаросат эканлигини унутманг. Насрда эса сантиметр олиб, саксон марта ўлчаб, бир кесганнинг ўқувчидан ўзга ҳеч кимга зарари йўқ...

— Орол нафақат бизнинг, балки Ер юзидаги бутун инсониятнинг экологик муаммосидир. Сўнгги йилларда уни бартараф этиш, одамлар саломатлигини тиклаш, ҳудуд иқлимини мўътадиллаштириш йўлида турли таклифлар билдирилмоқда. Булар ичида қум барханларига айланган Орол атрофини саксовулзор қилиш таклифи ҳаётга татбиқ этиляпти. Лекин ишчи кучи камлиги учун натижа кўнгилдагидек эмас. Нима деб ўйлайсиз, балки бадиий адабиёт — сўз воситасида бу ишни жонлантириш имкони бордир?..

— Оғир дардни қўзғадинг, иним. Оролни фожеа десак, биз ўша фожеанинг ўзида яшаяпмиз. Бу дунёда дард бор, ҳамдардлик бор. Кечаги Шўро даврида дардимизни ичимизга ютиб, тирикчилик қилгандик. Адабиётнинг қудратини қаранг, Оролни кўрган ва сезган Чингиз Айтматов, Расул Ҳамзатов, Мустай Карим, Сергей Залигин, Эркин Воҳидов сингари буюкларнинг чиқишлари ва асарлари орқали бизнинг дардимизни дунё эшитди ва ҳамдардлар кўпайди, Орол тўғрисидаги ҳақиқат оламга тарқади. Ҳамдардлик нафақат дардлиларни овутади, балки ундан фориғ бўлиш, ечимини топиш умидини уйғотади. “Қорақалпоқлар — бедаво оптимистлар” деганди “Орол-88” экспедициясида иштирок этган таниқли рус публицисти Василий Селюнин ва “Новый мир” журналида табиатнинг йўқолиб бораётган ноёб ўсимликлари билан ҳайвонотлари жой олган “Қизил китоб”ига мени ҳам бир нусха сифатида киритиб кетди. Лекин мен “Қизил китоб”даги киши” лақабини олганимга ҳеч хафа бўлмадим.

Ўша пайтлари Оролни асраш бўйича таклифлар кўп эди. Сибирь сувларини олиб келишда фикр иккига бўлинди. Мутахассислар Сибирь дарёларининг 7 фоиз суви билан фақат Оролни тўлдирибгина қолмай, балки Ўрта Осиё ва Қозоғистонда янги суғориладиган ерлар очиш имкони ҳам юзага келиши мумкинлигини айтишди. Таниқли ёзувчилар Валентин Распутин, Василий Беловлар эса бунга қарши бўлиб, дарё ўзанини буриш, Сибирь табиатини бузади, дарё сувлари билан Шимолий муз океанига борадиган илиқлик камайиб, Гренландияни бутунлай, Скандинавия ярим ороли соҳилларини қисман муз босади, деб ваҳима солди. Бош котибнинг тутуриқсизлиги тутиб, у ёзувчилар томонини олди, мана оқибати, Орол қуриди ҳисоби, умуман ҳудуддаги сув танқислиги чуқурлашиб бораяпти. Дард билан яшайверсангиз, унга кўникиб, у турмуш тарзингизга айланганини билмай қоларкансиз. Яқинда, 27 май куни ҳудудда тузли бўрон бўлиб ўтди. Ижтимоий тармоқларда биринчи бўлиб, “Хива хавф остида”, дея хоразмликлар бонг урди. “Бу тўзон бизда ҳар куз-баҳор доимо бўладиган ҳолат, ҳовлиқманглар, оғайнилар, қорақалпоқлар Хивага соябон тутиб туради”, дея ҳазил билан овунтирдим қардошларимни. Ўзим эса эрталабдан ҳовлидаги мева-чеваларнинг япроқларини қувурдан оқаётган жилдираган сув билан ювишга киришдим. Лекин барини ювиб улгура олмадим, Тошкент, Самарқанддан эъзозлаб олиб келган шафтоли ва нок гуллаб, қуриб қолди. Узумларни омон олиб қолгандим, кечаги эллик даражали иссиқ уларни ҳам куйдирди ҳисоб.

Адабиёт, сўз қудрати билан ажойиб иқлим яратиш мумкинлигига ишонаман. Яхши сўз умидни аллалайди. Президентимизнинг илк сафари — Шуманайга келиб, бизга ҳамдардлигини Бердақ билан Ибройим Юсупов шеърлари билан айтганида бутун қорақалпоқ ўрнидан тикка туриб қарши олди. Кейинги ташрифида Оролни қуритган пахта эканлигига урғу бериб, ҳудуддаги деҳқончиликни кам сув талаб экинлар билан алмаштириш, чорвачиликни ривожлантириш тўғрисидаги айтганлари, том маънода одамларнинг фаровон ҳаёт кечиришига кафолат бўлди. Жадал равишда Қўнғиротдан Мўйноққа қувурлар орқали ичимлик суви етказилди. Одамларда нолиш камайиб, меҳнат қилиш иштиёқи кучайди.

Лекин ишсизлик деб Оролқумга саксовул, қандим экавериш натижаси гумон ҳаракат, деб ўйлайман. Сабаби, ҳар қандай ўсимликка қаддини тиклаб олгунча, озгина бўлса-да сув керак. Бу ерда қўшни Қозоғистоннинг Оролдаги тажрибаси асқотиши мумкин. Улар ўша 90-йиллардан бошлаб, ўз ҳудудларида кичик Оролни тиклашга киришди. “Орол-88” экспедицияси иштирокчиси, биолог олим Николай Аладиннинг (уни Оловуддин деб чақирардик) таклифи билан дамба ётқизиб, ортиқча сувларни оқизиш учун тўғон қуришган. Ҳозир ўша тўғонни қозоқлар “Аловаддин тўғони” деб аташади. Шу дамба орқали кичик Орол тикланиб, тўлқинлари Аральск шаҳрининг соҳилларини ўпиб ётибди. Денгизда аввалги кемалар сузиб, балиқчилиги ривож топмоқда. Худди шундай ишни бизда ҳам қилса бўлади. Масалан, Оқтўмшу-Урга оралиғидан тортиб Тахтакўпиргача дамба ётқизиб, ортиқча сувлар Мўйноқ ҳавзасига жамланса, аҳоли яшайдиган ҳудудда микроиқлим яратиш мумкин.

— Қорақалпоқ адабиётининг забардаст вакили, хабардори ва мана шу буюк адабиётга муносиб ҳисса қўшиб келаётган ижодкор сифатида айтинг-чи, мустақиллик йилларида, янги замонда қорақалпоқ адабиётида қандай янгиликлар рўй берди, қандай асар (роман, достон, драма)лар пайдо бўлди? Уларда кўтарилган мавзулар ўқувчилар томонидан қандай кутиб олинди? Ва энг муҳими, бу авлод қорақалпоқ адабиёти учун қандай хизмат қилди ва қилмоқда?

— Шу саволингизни қанчалик ўринли ва муҳимлигидан қатъий назар, жавобсиз қолдирмоқчиман.

— Қорақалпоқ адабиётида бадиий таржиманинг ўрни ва бугунги ҳолатига тўхталиб ўтсангиз...

— Бизда ажойиб таржима мактаби мавжуд эди. И.Майоров, Х.Жумашев сингари моҳир таржимонлардан ташқари, деярли барча шоир-ёзувчимиз бу мактабдан ўтган ва бадиий таржима орқали халқимиз жаҳон адабиёти дурдоналари билан яхши таниш. Лекин мустақилликдан сўнг қорақалпоқ таржима мактаби деярли тарқаб кетди. Сабабини биласиз, китоб чиқариш, гонорар муаммолари. Ҳозир ҳам таржима йўқ эмас, бор, лекин майда-чуйда нарсалар яқин тиллардан, асосан, ўзбекча билан қозоқчадан таржималар газета-журналларда чиқаяпти. Китоб чиқариш муаммоси ҳали тўла ҳал этилгани йўқ. Ёшларнинг илк китоблари шу кунга қадар фақат ўзбек тилида чоп этилиб келинаяпти. Янгидан иш бошлаган “Ижод” фонди ниҳоят қорақалпоқ ёш адибларининг ижод намуналарини ҳам ўз она тилларида чоп этилишига ёрдам беради, деб ўйлаймиз. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ихтисослашган Ибройим Юсупов маҳорат мактабидан ҳам умидимиз катта.

— Қорақалпоқ режиссёрлари яратаётган бадиий фильмлардан кўнглингиз нечоғлик тўлади? Улар яна нималарга эътибор қаратиши лозим, деб ҳисоблайсиз?

— Қорақалпоқ киноси энди-энди шаклланиб келаётган кенжатой санъат. Унга ўтган 70-80 йиллардан бошлаб, асосан, ҳужжатли фильмлар ҳисобидан асос солинди ва дастлабки кадрларни ўз аппаратида олган кинооператор Нағмет оға Давқараевни киномиз асосчиси, деб баралла айта оламиз. Бадиий фильмлардан шахсан менинг кўнглим тўлмайди. Тўраниёз Қалимбетовнинг “Тиқин”, Бек Низоматдиновнинг “Қайтиш” қисқа метражли бадиий фильмлари, Б.Абдуллаев, Т.Қалимбетовнинг “Танка” комедияси таниқли актёрлар иштироки сабаб сал-пал томошабинлар эътиборини тортганди. Қорақалпоқ актёрлари Қ.Абдреймов, Ш. Утемуратов, С.Алламуродова илгарилари ҳам ўзбек, қозоқ фильмлари орқали умумиттифоқ томошабинларига таниш эди. Аммо фақат актёрлар иштироки у ёки бу фильмни ўша халқнинг миллий санъати сирасига киритишга асос бўла олмайди. Мавзу жиҳатдан фильм маълум бир халқ ҳаётини акс эттириши мумкин, аммо ўша халқнинг миллий кино санъати дурдонасига киритиш қийин. Кино — бу синтетик санъат. Масалан, таниқли югослав актёри Гойко Митич ёки Брюс Ли, Жекки Чан бош ролларни ижро этган фильмларни югослав ёки хитой миллий кинолари сирасига, америка индеецлари ҳаётини ёритган вестернларни ҳам индеецларнинг миллий кино санъатига ётқизиш мумкин эмас, улар Америка киносанъати маҳсулотларидир.

Ўтган асрда қорақалпоқ ҳаётини акс эттирган “Орол балиқчилари”, “Қорақалпоқ қизи” бадиий фильмларини ҳам қорақалпоқ миллий киносанъатига киритиш қулгили бўлар эди. Улар “Ўзбекфильм” студияси маҳсулотларидир. Менимча, кино “миллий” деган тушунчадан четроққа чиқиб, оммавийлашган санъат сирасига киради. “Қорақалпоқфильм” студиясини ташкил этишда иштирок этиб, унга “талатўп” бўлган йиллар раҳбарлик қилган бўлсам ҳам унинг маҳсулотлари ҳали ҳануз мақтагулик даражага кўтарила олмади.

Қорақалпоқ киноси энди той-той босиб келаётган чақалоққа ўхшайди. Ҳали унинг миллий режиссура мактаби шаклланмаган, бошқа соҳа мутахассислари ҳам йўқнинг ёнида. Илк қалдирғочлардан режиссёр Тўраниёз Қалимбетовнинг қатор ҳужжатли фильмларидан ташқари, чўмичга илингудек нарсаси йўқ. Сўнгги пайтларда бадиий фильм ниқоби остида бадиийликдан асар ҳам бўлмаган, тақлид услубида суратга олинган ва маънан саёз, ғариб нарсаларни миллий кино деб айтиш уят.

Яқинда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали битирувчиларининг спектакль-диплом ишини кўрдим, театр ва кино санъатимизнинг келажаги борлигини сезиб, кўнглим анча таскин топди. Қани энди, шу йигит-қизлар ижодий гуруҳи билан саҳна ва экранларда ярқ этиб порласа, уларнинг ижоди қизил ёки сариқ чироқлар ёқмасдан, доимо яшил нур билан рағбатлантирилса?! Ўйлайманки, келажакда улар ўз йўлларини топиб, миллий театр ва кино санъатини Қоратовдан баландроқ чўққиларга олиб чиқади.

“Milliy tiklanish” мухбири
Исломжон ҚЎЧҚОРОВ суҳбатлашди.






ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Ошқовоқ, энг аввало, инсон ички органлари фаолияти меъёрида ишлашини таъминлайдиган, витамин ва микроэлементларга бой полиз экини саналади. У дастлаб Мексикада экила бошланган. Жанубий Америкада унинг тарихи эрамиздан 3 минг йил аввалги даврга бориб тақалади. Европа ва бошқа қитъаларда эса асосан XVI асрдан бошлаб тарқалган.

ОШҚОВОҚ — “ХОНАДОН ТАБИБИ”



Бошқа кўплаб сабзавот ва полиз экинлари каби ошқовоқ ҳам август-сентябрь ойларида етилиб пишади. Унинг 100 граммида 22 ккал миқдорида калория мавжуд. Таркибида темир, калий, кальций, магний каби минераллар бор.

Ундан, айниқса, халқ табобатида кенг фойдаланилади. Масалан, таркибидаги каротин моддаси сабзи таркибидагига қараганда бироз камроқ бўлишига қарамай кўз нурининг равшанлашишини таъминлайди.

Овқат ҳазм қилиш тизимини яхшилайди. Шунинг учун ҳам диетологлар уни ортиқча вазндан халос бўлмоқчи бўлганларга тавсия қилади. Ошқовоқ тез ҳазм бўлади ва организм унинг таркибидаги керакли моддаларни ўзлаштириши осон кечади. Оғир гўштли таом истеъмолидан сўнг бир-икки бўлак ошқовоқ ейиш ошқозон қийналишининг олдини олади.

Ошқовоқ организмда моддалар алмашинуви ва қон айланишини яхшилайди. Танадаги ортиқча суюқликларни ҳайдаб чиқариш хусусиятига эга. Унда кўп миқдорда сув (90 фоиз) ва калий тузи мавжуд. Бу буйракда йиғилган тошнинг эришига ёрдам беради.

Ошқовоқ кайфиятни кўтаради, меъёрида ухлашни таъминлайди, асаб тизими ва иммунитетни мустаҳкамлайди. Таркибидаги С витамини сабаб у вирусли касалликларга қарши йил давомида кураша олади. Қолаверса, уни узоқроқ муддат сақлаш ҳам мумкин. Бу эса ошқовоқни қиш ва баҳор фаслида ҳам истеъмол қилиш имкониятини пайдо қилади.

Ошқовоқ инсон танасидаги мушаклар регенерациясини таъминлайди. Ҳужайраларнинг тез янгиланишига сабаб бўлади. Уйқу яхшиланиб, маҳсулдорлик ортади. Шунингдек, суяклар мустаҳкамланади.

Сўнгги вақтда ундан косметологияда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Унинг асосида (ёки иккинчи даражали компонент сифатида) шампун, совун, крем ва ниқоблар тайёрланади.


Таркибидаги Е витамини тери қаришининг олдини олади. Бундан ташқари, жигар ва буйрак хасталикларида ҳам фойдали. Ошқовоқ уруғидан олинган мой асосида турли касалликлар профилактикаси учун препаратлар тайёрланади. Энг муҳими — уруғининг калорияси ошқовоқникидан 25 баробар кўп, яъни унинг 100 грамми 556 ккал калорияга эга.

Фойдалилигига қарамай ошқовоқни паст кислотали гастритда, кислота-гидроксид мувозанати бузилганида, ичакларда чок бўлганида, қонда шакар миқдори ортганида истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Ошқовоқ уруғидаги турли зарарли кислоталар тиш эмалига салбий таъсир ўтказиши мумкин. Шу боис уларни егандан сўнг оғизни чайишни унутмаслик керак.

Ошқовоқни ҳеч иккиланмасдан “хонадон табиби” дейиш мумкин. Чунки унда инсон организми учун барча керакли модда мавжуд.

ТУРФА ОЛАМ

УХЛАШ УЧУН МАХСУС КАПСУЛА



Словениялик дизайнер, ишбилармон ва сайёҳлар Европа аэропортларида ўрнатиладиган ухлаш учун махсус капсулаларни ишлаб чиқишди, деб ёзади “foxnews.com”.

“Airpods” деб номланган капсулалар ташқи кўринишидан футуристик дрэгстерлар (пойга мусобақаларида қатнашувчи автомобиллар)га ўхшайди. Сайёҳлар бу капсулалар ичида мобил телефонларни қувватлаш, Wi-Fiга уланиш ва кино кўриш имконига эга бўлади.

Уйқу хоналари ташқи товушлардан тўлиқ ҳимояланган, сайёҳлар ташқарида бўлаётган ҳодисаларни назорат қилишлари мумкин. Капсула йўловчига парвоз вақти яқинлашаётгани ҳақида автоматик равишда хабар беради.

Ихтиро қўшимча ишланмаларни талаб қилади, бироқ илк капсулаларни шу йилнинг ўзидаёқ Европанинг баъзи аэропортларида ўрнатиш режалаштирилмоқда.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САЙДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва халқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 816, Адади — 3912. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Муҳтарама КОМИЛОВА
Навбатчи: Мухторбек АБДУЛЛАЕВ
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 23.25. ЎзА якуни — 22.30
ISSN 2010-7714
12345